

АМИР ТЕМУР САБОҚЛАРИ

3

*(1999 йил 23 декабрда ўтказилган
«Амир Темуր ва унинг марказлашган давлат тузиш
йўлидаги буюк хизматлари» мавзусидаги
илмий-амалий анжумани материаллари)*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001

**АМИР ТЕМУР
САБОҚЛАРИ
3**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001**

*Муҳаррир Г. Зокирова
Рассом К. Акчулаков
Бадий муҳаррир Ф. Башарова
Техник муҳаррир Д. Габдраҳмонова
Мусахҳиҳ Ж. Тоирова*

Теришга берилди 10.01.2001. Босишга рухсат этилди 23.01.2001 й.
Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 3,36. Нашриёт-ҳисоб табоғи 3,5. Адади 3000 нусха. Буюртма
№ 1289. Баҳоси келишув асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-
наси 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**

ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Мазкур тўпламга 1999 йил 23 декабрда ўтган «Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманида ўқилган маърузалар киритилди. Маърузалар ҳазрат соҳибқироннинг ўзбек давлатчилиги тарихида ўз замонига нисбатан кучли марказлашган давлатни барпо қилиш йўлида қилган улкан хизматлари масаласига бағишланган. Масалан, Б. Аҳмедов ва Азамат Зиёларнинг маърузалари Темур давлатининг тузилиши ва бошқарувиغا тегишли бўлса Абдулҳаким Жузжоний, Наимжон Ғойибовларнинг маърузаларида Амир Темур давлати сиёсатининг ижтимоий-маънавий асослари, ундаги қонун устуворлиги масалалари атрофлича муҳокама қилинади. С. Ғуломов эса ўз маърузасида Темур давлатининг дипломатик ва савдо алоқаларига тўхталиб ўтади. А. Алимовнинг мақоласида эса Темур қўшинининг тузилиши масаласига доир фикрлар ўртага қўйилади. Профессор А. Абдуазизовнинг маърузаси ҳам муҳим бўлиб, унда Темур ва Темурийлар давлатининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши масалалари кўтарилди.

Шарқшунос олимлар О. Бўриев ва М. Аҳмедовларнинг мақолалари ҳам тўпламда алоҳида ўрин тутди. Бу мақолаларда Амир Темур ва Темурийлар давлатини ўрганишга тегишли баъзи қўлёзма асарлар таҳлилига бағишланган.

И. Ниёзовнинг қисқа ахбороти Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида олиб борилаётган муҳим илмий тадқиқотлар ва Амир Темур библиографиясини яратиш устида олиб борилаётган катта ишларга бағишланган.

Умуман мазкур тўплам Темур ва Темурийлар давлатининг тузилиши, унинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнини англаш ишларига яқиндан ёрдам бериши мумкин.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ

*«Амир Темур ўз давлатини
ақл-заковат ва ҳуқуқий асос
билан идора этган»*

Ислом КАРИМОВ

Темур давлати ўз даврига нисбатан марказлашган давлат эди. Бу давлат, унинг асосчиси (Амир Темур) кўзда тутгандай, мамлакатдаги барча ижтимоий табақалар (сайидлар ва руҳонийлар, олим ва фозил кишилар, аҳли ҳунар, зироатчилар, сипоҳийлар, савдо-сотик аҳли ва б. қ.)нинг мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилиши, маслаҳат ва кенгаш ҳамда қаттиқ қўллик билан бошқарилиши керак эди.

Бу — давлатни тузиш ва уни бошқаришда амал қилиш зарур бўлган биринчи шартдир.

Давлатни шакллантиришда амал қилиш лозим бўлган иккинчи шарт-шароит — бу салтанатнинг тўрт асосий устунини тўғри англаш ва унга суяна билиш.

Бу устунлар қуйидагилар,

- 1) Ислом ва шариат нормалари;
- 2) қадимдан амалда бўлган одатлар — йўсин ва тузуклар; қонун устуворлиги;
- 3) хазина;
- 4) раият, яъни меҳнаткаш халқ.

Амир Темур давлатини шакллантиришда, уни бошқаришда салтанатнинг шу тўрт устунига суяниб иш тутди.

Эл-юртининг тақдири, раиятнинг туриш-турмуши қўп жиҳатдан марказий давлат аппарати қандай бўлиши, унинг шаҳар, вилоят, туман ва катта-кичик қишлоқлардаги идораларининг иш юритишига боғлиқдир. Ва яна ўша муассаса ва идораларда хизмат қилиб турган мансабдорларнинг насл-насабли, имон-инсофли, ишбилармон бўлишларига ҳам боғлиқ. Амир Темур давлат тизимини шакллантиришда шуларга алоҳида эътибор берди. Масалан, ҳукуматнинг ижроия муассасалари (девонлари)ни бошқариб турувчи вазирлар, Амир Темурнинг фикрича, тўрт сифатга эга бўлишлари талаб қилинган.

Биринчиси — асслик ва тоза наслик;

Иккинчиси — ақл-фаросатлилиқ;

Учинчиси — сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан яхши муомалада бўлишлик;

Тўртинчиси — сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Вазирликка тайинлаш, унга эл-юртнинг инон-ихтиёрини топириш хусусида ҳазрат соҳибқироннинг айтган мана бу уқтиришлари муҳимдир: «Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар, уни вазир, ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар, мамлакат ишларини, сипоҳ ва раият ихтиёрини унга топирсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва қудрат (ҳокимият) берилсин».¹

Амир Темур маҳаллий ҳокимиятларда ҳам имон-инсофли, ишбилармон одамларни тайинлатди, улардан эл-юртни муҳофаза қилиш, раиятнинг мол-жонини ҳимоя қилиш, уни солиқ ундирувчиларнинг зулмидан ҳимоя қилиш, юртни обод қилиш, вилоятдан ўтаётган савдо карвонларини қўриқлашни қаттиқ талаб қилади. «Тузуқлар»да ёзилишича: «Маҳаллий ҳокимлардан катта-кичик шаҳарлар ва қишлоқларга масжид, мадраса ва хонақоҳлар бунёд этиш, фақиру мискинларга лангархоналар қуриш, беморлар учун шифохоналар бунёд этиш топирилсин». «Амр қилдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан, ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш лозим. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади» — деган уқтиришлари жуда муҳимдир.

Темурийлар давлатининг тизими ҳам, Ўзбекистонда, шунингдек кўпчилик шарқ мамлакатларида, ўтган давлатлар тизими сингари, икки қисмга: қонун чиқарувчи ва ижроия органларига бўлинган.

Қонун чиқарувчи тизим қурултой деб аталиб, у асосан йирик турк—мўғул қабилаларининг йўлбошчилари иштирокида ўтган ва олий ҳукмдор истаган пайтда қақрилган. Қурултой уруш ва сулҳ масалаларини, олий ҳукмдорни (подшоҳ, хон) сайлаш каби масалаларни муҳокама қилган ва қонунлаштирган.

Ижроия тизими девонлар ва бошқа олий давлат идораларидан иборат бўлган. Давлатнинг ижроия тизими (девонлар) қурултой қабул қилган қарорларни, подшоҳ фармонларини ва давлатнинг кундалик юмушларини ҳаётга татбиқ этган.

Тарихий манбаларда, хусусан «Тузуқлар»да айтилишича, Темур давлатининг қуйидаги тўрт вазир бошқарган.

¹ «Темур тузуқлари», 94-бет.

Мамлакат ва раият вазири — мамлакатнинг муҳим ва кундалик ишларини адо этган; раиятнинг аҳволини назорат қилиб турган, вилоятлардан йиғилган кириш-чиқим, олиқ-солиқлар ва уларни тақсимлаш, мамлакат ободончилиги ва раиятнинг фаровонлигини таъминлаш, мамлакатнинг умумий аҳволини назорат қилиб турувчи вазир бўлган. Уни бош вазир (вазири аъзам) деб ҳам аталган. У бош бўлган муассаса эса девони олий деб номланган.

Сипоҳ вазирлиги — сипоҳийларнинг умумий аҳволи, уларни юришлар олдида тўплаш, жойлаштириш, озиқ-овқат ва қурол аслаҳа билан таъминлаш, уларнинг маоши ва нафақаларини ўз вақтида тўлаб туриш иши билан шуғулланган. У бош бўлган муассаса девони тавочи деб аталган.

Учинчи вазирга — эгасиз қолган ер-сув, мол-мулкни, ҳақиқий меросхўрлари топилгунча, тасарруф қилиб туриш, шунингдек савдогарлардан олинадиган бож-хирож ва яйловдаги мол-қўйдан олинадиган закот ундириш билан шуғулланган. Унинг муассасаси девони муставфий деб аталган.

Тўртинчи вазир — салтанат ишларини, яъни давлат идораларининг сарф-харажатлари, подшоҳнинг аҳли-оила-сига кетган сарфларни, умуман хазинадан кетган барча харажатларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланган. Ушбу вазирнинг ихтиёридаги девоннинг аниқ номи Амир Темур даврига оид манбаларда кўрсатилмаган.

«Тузуқлар»да чегара ерлар ва тобё мамлакатларни бошқариш ишларига масъул этиб яна учта вазир тайинлангани айтилади. Лекин ҳозиргача уларнинг номлари аниқланмаган.

Фикримизча, хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган муносабатларга бошчилик қилган олий давлат муассасаси — девони иншо, ёки девони расоил, девони мушриф (махсус назоратчилар девони) ва девони куззат (адлия ишлари девони) каби олий давлат муассасалари ва шу ишга нозирлик қилган вазирлар ҳам бўлган, албатта.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Амир Темур даврида давлат юмушларини адо этган қуйидаги олий лавозимлар: оталиқ, арзбеги, ахтабеги, аълам, баковулбоши, битикчи, дафтардор, жалол ул-ислом, жарчи, зинбардор, кахудо, кутвол, мажлиснавис, мирохур, мунший, муфтий, мухтасиб, мушриф, муҳандис, муҳосил, филбон, садр аъзам, ясовул, тавочи, фаррош, фақиҳ, хазинадор, хонсолор, чухра оғаси, шайхулислом, эшик оғабози, юртчи, қози аскар, қози аҳдос тилга олинади.

Арзбеги — олий ҳукмдорнинг ҳузурига арз-шикоят би-

лан келган кишиларни қабул қилиб, уларнинг шикоятини подшоҳ(хон)га етказиб турувчи ва уларга жавоб қилувчи мансабдор.

Ахтабеги — подшо (хон)ларга тегишли отларнинг тасарруфига масъул бўлган мансабдор.

Аълам — фикҳ (мусулмон қонуншунослиги) ва бошқа илмлардан кенг маълумотга эга бўлган бу мансабдор қозиларнинг фаолиятини назорат қилиб турган. Қози қабул қилган қарор ёки ажрим фақат аъламнинг тасдиғидан ўтгандан кейингина кучга кирган.

Баковулбоши — подшоҳ(хон) ошхонасида хизмат қилиб турган овқат пиширувчилар тепасида турган мансабдор.

Битикчи — девонларнинг ёзиш-чизиш ишларига мутасадди бўлган мансабдор.

Дафтардор — Девони муставфий (молия вазирлиги)да олиқ-солиқ тўловчилар рўйхати, кирим-чиқим дафтари-ни юритувчи мансабдор.

Жалол ул-ислом — олий ҳукмдорнинг буйруғи билан улус ва вилоят ҳукмдорларининг девонини тафтиш қилиб турувчи олий мансабдор.

Жарчи — подшоҳнинг фармонлари ва буйруқларини (масалан қўшинга сафарбарлик ҳақидаги буйруқларини) аҳолига етказиб турувчи мансабдор.

Зинбардор — подшоҳ(хон) отига эгар-жабдуқ уриб, уни минишга ҳозирловчи хизматкор. У ҳарбий юришлар, сафар пайтида хоннинг захирадаги отини ўзи билан бирга етаклаб юрган.

Кадхудо — қишлоқ оқсоқоли.

Кутвол — қалъа ҳокими. Унинг зиммасига доимо мудофаага тайёр ҳолда туриш, у ердаги қўшинга мутасаддилик қилиш вазифаси юклатилган.

Мажлиснавис — олий ҳукмдорнинг махсус ва махфий йиғилишларда бўлган гапларни қоғозга тушириб боровчи махсус котиб.

Мироҳўр — Подшоҳ(хон) отхоналарига қараб турувчи юқори мансабдор. У олий ҳукмдорга тегишли барча чорпо ва отларга мутасадди бўлган. Мироҳўр олий ҳукмдорнинг топшириғи билан уруш пайтида қўшинга бошчилик қилган, элчилик ва бошқа вазифаларни ҳам адо этган.

Мунший — подшоҳ(хон)нинг шахсий котиби.

Муфтий — мусулмон қонуншуносларининг бошлиғи. Шариат қоидалари асосида чиқарилган ҳукм (фатво) фақат унинг тасдиғидан кейин кучга кирган.

Мухтасиб — мусулмонлар тарафидан ислом ва шариат аҳкомлари қандай бажарилишини, шунингдек бозорларда савдо-сотик устидан назорат қилиб турувчи диний мансабдор. Бу лавозим XVIII—XIX асрларда Бухорода раис деб аталган.

Мушриф — бош назоратчи; шахзодалар ва мансабдорлар тепасига қўйилган назоратчи.

Муҳандис — олий ҳукмдорнинг амри билан қурилаётган бинонинг тархи (режаси) ва қандай қурилиши, кераклигини аниқлаб берувчи мутахассис; қурувчи инженер.

Муҳосил — бўйсундирилган шаҳар халқидан ўлпон ундирувчи мансабдор.

Филбон — подшоҳ(хон)нинг урушга ўргатилган ва оғир юкларни ташувчи филларига қараб турувчи хизматкор.

Садр аъзам — садрлар бошлиғи, зиммасига вақф билан боғлиқ ишларни назорат қилиб туриш вазифаси юклатилган олий мансабдор.

Соҳиб девон — давлатнинг барча девонлари ишини назорат қилиб турувчи олий мансабдор; девонбеги.

Тавочи — ҳарбий юриш олдида барча вилоят, туман ва улуслардан белгиланган ерга лашкар йиғиб келувчи ҳарбий мансабдор. Одатда, у бу ишга жарчи билан бирга борган.

Фаррош — хон (подшоҳ) турар жойларини супуриб — сидириб турувчи; олий ҳукмдор олдига меҳмон келганда тўшак тўшовчи махсус хизматкор.

Фақиҳ — фикҳ (мусулмон қонунчилиги) илмининг билимдони. Амир Темур ўз саройида етук фақиҳларни туган. Афтидан бу лавозим эгаси давлатда қозилар ишини назорат қилган ва қонун устуворлигини таъминлаган.

Хазинадор — давлат хазинаси ишларининг тасарруфи билан машғул бўлган йирик молия мансабдори.

Хонсолор — олий ҳукмдор ва унинг меҳмонлари олдига дастурхон ёзувчи сарой хизматчиси; дастурхончи.

Чуҳра оғаси — олий ҳукмдорнинг шахсий қўриқчилари (чуҳралари) бошлиғи.

Шайхулислом — мусулмонлар жамоасининг бошлиғи.

Эшик оғабоши — қабул маросимларини ташкил қилувчи мансабдор; саройбеги.

Юртчи — ҳарбий юришлар пайтида олдиндан бориб подшоҳнинг чодирини тикишга раҳбарлик қилувчи мансабдор.

Қози аскар — ҳарбий судья.

Қози аҳдос — жиной ишларни қадимдан келган урф-одатлар ва тартиб-қоидалар асосида кўриб ҳал қилувчи судья.

Шариат қозиси — шариат кўрсатмалари асосида иш юритувчи судья.

Шубҳасиз яна кўпгина катта-кичик мансаблар бўлган. Бу масалани, янги манбалар асосида чуқурроқ ўрганиш керак бўлади. Лекин, келтирилганлардан ҳам Амир Темур

кучли марказлашган давлатга асос солгани кўриниб турибди.

Маҳаллий ҳокимият, яъни вилоят, ўлка ва улуслардаги ҳокимият тепасига шахзодалар, йирик амирлар ва беклар қўйилган. Улар волий, улусбеги деб аталганлар. Уларнинг ёнида доруға (шаҳар ҳокими), кутвол (қалъа бошлиғи), қози каби мансабдорлар туришган.

Шу ўринда яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчимиз, Амир Темур фақат Мовароуннаҳрни ўз давлати тасарруфида тутди. 1370—1393 йиллар мобайнида бўйсундирилган мамлакатлар (Мўғилистон, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Ироқ ва бошқа мамлакатлар)ни 1390—1393 йилларга қадар ўзларининг маҳаллий ҳукмдорлари (Картлар, Сарбадорлар, Алийлар, Музаффарийлар, Жалоирийлар, ва б. қ.) қўлида қолдирди. Бутун ҳокимият уларнинг қўлида бўлиб, Марказий ҳукуматга (Самарқандга) хирож ва солиқларнинг бир қисмини тўлаб турганлар ва олий ҳукмдорга ҳарбий юришлар пайтида маълум миқдорда асқар юбориб туриш мажбуриятини бажарганлар, салтанос.

✓ «Темур тузуқлари»да қабул маросимлари, салтанат саройида шахзодалар, вазирлар, амирлар, уламо ва бошқа тоифа вакилларининг ўлтириш тартиби ҳам қатъий белгилаб қўйилган.

Салтанат мажлисида ўлтириш тартибига кўра, тожтахт ва подшоҳни худди ой қўрғонлагандай ўраб ўлтирганлар.

Подшоҳнинг ўнг тарафидан унинг бахтиёр ўғиллари, набиралари ва яқин қариндошлари, даража ва мартабаларига қараб, ўлтирганлар. Сайидлар, шайхлар, қозилар, уламо, шуаро ва бошқа улуғ зотларнинг ўрни ҳам шу тарафда бўлган.

Кўшин бошлиқлари, амир ул-умаро, бекларбеги, нуёнлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, улус ҳамда туман бошлиқлари тахтнинг сўл тарафидан жой олганлар. Девонбеги, вазирлар, ўзга мамлакатлардан келган кишилар (элчилар) тахт қаршисидан жой олганлар. Элу улуснинг калонтарлари ва каххудолар уларнинг орқасидан; баҳодирлар, атоқли ўғлонлар тахт орқасининг ўнг тарафида, қоровулбегилар тахт орқасининг сўл тарафида турганлар. Катта чодир эшиги олдида, тахт тўғрисида, ичкилар (подшоҳнинг хос хизматкорлари), подшоҳнинг хусусий ясовули, ўнгу сўлда эса, додхоҳлар тик туришган.

✓ Айтиладиган яна бир муҳим масала шулки, Амир Темур ўз давлатида қонун устуворлигини таъминлаган.

Маълумки, қадим-қадим замонлардан бери ўзбек халқининг ҳам оила, мол-мулк, мерос, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб турувчи, жинойят ва жазо масалаларига тегишли қонун-қоидалар бўлган.

Шу масалалар бўйича ҳукм ёки ажрим чиқарувчи идоралар бўлган. Масалан, қозилар (шариат қозиси, аҳдос қозиси, қози асқар) ўз фаолиятида фақат ислом ва шариат кўрсатмалари, йосо-юсун ва тузуқларгагина таяниб қолмай, балки улуғ фақиҳлар ёзган қўлланмалар (м. фатволар)га ҳам таяниб иш юритганлар.

Жиноятга тортилувчининг айби фақат тўрт нафар гувоҳ олдида исбот қилингандан кейингина унинг устидан ҳукм чиқарилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Амир Темуր давлатида қонун барчага — вазирга ҳам, амирга ҳам, ҳоким учун ҳам, шаҳзода учун ҳам баробар бўлган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан иккита мисол келтирамиз. Фарбий Эрон ва Озарбайжон ҳокими Мироншоҳ Мирзо майшат ва кайфу сафога муккасидан кетиб, давлат ишларига эътибор қилмай қўйгани учун лавозимидан олиб ташланган, атрофидагиларнинг баъзилари эса олий жазога маҳкум этилганлар. Форс ҳокими Пирмуҳаммад Султон етти йиллик уруш (1399—1404) пайтида юришда иштирок этишдан бош тортгани учун у ҳам эгаллаб турган мансабидан олиб ташланган.

Умуман, мамлакатимиз ҳудудида қадимда ўтган давлатлар тарихи, шулар қатори Амир Темуր ва Темурийлар давлати тарихи яхши ўрганилмаган. Бу катта иш, истиқлол шарофати билан, энди бошланаяпти.

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари доктори

XVI АСР ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ БОШҚАРУВИГА ДОИР

Бутун XVI аср давомида ўзбек давлатчилиги бошқарувига ҳукмрон сулола ролини ўйнаган Шайбонийлар (1500—1601) замони давлат бошқаруви ҳақида сўз кетганда Темурийлар ва айниқса, чингизийлар босқинидан аввалги замонлардаги каби давлат идоралари аро тақсимотда мавжуд бўлган аниқ кўринишлар тўғрисида сўз юритиш қийинроқ. Бунинг бош сабаби, бир томондан, кўрилатган давр тарихий ва бошқа турдаги манбаларининг кам ўрганилганида бўлса, иккинчи томондан кўчманчи, ярим кўчманчи турмуш тарзи анъаналари мустаҳкам бўлган Жўчи улусидаги (Дашти қипчоқдаги) ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг Шайбонийлар фаолиятида сақланиб қолганлигидадир. Аниқроқ қилиб айтганда, Шайбонийларнинг Дашти қипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтишлари билан мазкур биринчи маконда мавжуд айрим анъаналарнинг ҳам Туркистон марказига тарқалиши учун шароит туғилганди. Худди шу сабаб ҳам ўзбек давлатчилигининг Сомонийлар,

Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Ануштегинийлар, Темурийлар даврида мавжуд бўлган давлат бошқарув тақсмоти Шайбонийлар замонига келиб консерватив йўналишда ривож топа бошлади. Яъни даргоҳ ва унинг атрофидаги хизматлар мавқеи кучайиб бориб, ижроия ҳокимиятидаги девонлар тизими фаолияти чегараланиб қолганди. Албатта, буларнинг ҳаммаси муайян бир жараён давомида содир бўлгани шубҳасиз.

Шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам энг олий давлат идораси даргоҳ ҳисобланган. Унинг тепасида табиий равишда олий ҳукмдор — хон турган. Олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоладаги энг улуг ёшдаги намояндага ўтиши тартиби дастлабки Шайбонийлар даврида сақланган бўлса-да, аммо асосан XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб сулола ичидаги оилавий анъана устун чиқа бошлаган. Абдуллахон II (1583—1598) даврига келиб эса бу ҳолат аниқ бир шаклга тушган (биз бу ерда расмий ҳокимиятни Искандархондан (1561—1583) ўғли Абдуллахонга ва Абдуллахондан ўғли Абдулмўминга (1598—1599) ўтганини назарда тутмоқдамиз). Шунга қарамай, Шайбонийлар сулоласидаги олий тахт бошқарувидаги давомийлик масаласи сўнги пайтларгача муайян шаклга эга бўла олмади. Чунончи, Абдулмўминдан кейин тахт Шайбонийлар хонадонидан тирик қолган Пир Муҳаммад II қўлига (1599—1601) ўтди. Бу ерда, таъбир жоиз бўлса, тахт вори-сининг наввоб, қуғулхоний, кичик хон деб аталганлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. Абдуллахон II замонида валиаҳдга Балх вилоятини топшириш анъанаси ҳам шаклланиб борган бўлса-да, аммо Шайбонийлар фаолиятига тез орада чек қўйилиши сабаб, мазкур анъана ривож тополмай қолган. Бундай расм кейинги сулола Аштархонийлар (1601—1747) даврида кўпроқ жорий бўлган.

Даргоҳдаги хондан кейинги муҳим давлат лавозими нақиб ҳисобланган. Таржиманда сардор, бошлиқ, етакчи маъносини берувчи нақиблик мансаби амалда анча кенг мазмун ва ваколатга эга бўлган. Нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланган. Расмий қабул маросимларида унинг олий ҳукмдордан чап томондан биринчи бўлиб жой олиши, нақибнинг даргоҳда тутган юксак мақомидан далолатдир. Хоннинг фармон ва ёрлиқларида ҳам нақиб номи биринчи бўлиб зикр этилган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда нақибга олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган. Масалан, 1570-йили Бухорода яна бир бор ўз ҳокимиятини тикларкан, бухороликлар томонидан ўртага қўйилган машҳур Қосим шайх Азизон (вафоти 1578 йил) билан музокарага Абдуллахон II ўз нақибини юборди. Ҳарбий юришларни уюштириш, уни давом этти-

ижтимоий ҳаётда, балки иқтисодий муносабатларда ҳам ўз мавқеларини йўқотмаганлар. Шу сабабдан ҳам вақф мулклари билан шуғулланувчи махсус хизматлар жорий этилган бўлиб, уларни мамлакат миқёсида бош садр (садри аъзам) жойларда эса садрлар бошқарганлар.

Суд ишларига келганда, мамлакат миқёсида тизимга бош қози етакчилик қилган бўлса, ҳарбийлар ҳаётида юз берадиган ҳуқуқий масалаларни аскар қозиси (қози аскар) ҳал қилиб борган. Шу билан бирга, ҳарбий қози ҳам, маҳаллий қозилар ҳам, бош қози (қози ал-куззот)га бўйсунганлар. Мамлакатдаги ахлоқий нормаларга риоя қилиш, айниқса мансабдорлар, ҳатто дин пешволари орасидаги шу масалага муносабат нечоғлигини билиб бориш иши билан мухтасиб (раис) шуғулланган.

Шайбонийлар давридаги ижроия органи, яъни девонлар тизими ҳақида фикр юритиш бир оз мушкулроқ. Зеро X—XII асрлар ва Темурийлар даврида бу борада тақсимот анча яққол кўзга ташланган бўлса, XVI асрдан бошлаб юқорида ишора қилинганидек, ижроия тизими кўпроқ даргоҳдаги турли хизматларда мужассамлаша борган. Зеро қолоқ муҳит — кўчманчиликдан чиққан Шайбонийлар ва улар суянган ҳарбий-сиёсий кучлар учун Мовароуннаҳр маданий тараққиёти маҳсули бўлмиш девонлар тизими бегона эди. Шу сабабдан ҳокимият тақсимооти хусусида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунончи, илгариги замонларда мавжуд бўлган давлат назорати хизмати (девони мушриф) эндиликда тўғридан-тўғри даргоҳда кўчалдош фаолиятида ўз амалий ифодасини топа бошлаган. Шундай бўлса ҳам, девоннинг Шайбонийлар саройидаги мавқеи хусусида маълум бир тасаввурга эга бўлиш имкони бор. Чунончи, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг гувоҳликларига кўра, девонбеги мамлакатнинг муҳим ишларидан, мол-мулк, яъни молия, солиқ. Ер-сув масалалари, вилоятлар бўйлаб амалдорга иш тақсимлаш, мансабларга тайинлаш ва буларнинг барчаси ҳақида олий ҳукмдорга ҳар куни ҳисобот бериб туриши керак бўлган. Демак, девонбеги (бош вазир), нима бўлганда ҳам, ўзининг илгариги мақомини ҳар ҳолда бутунлай йўқотмаган.

Бошқа девонларга келсак, манбаларда уларнинг номи кўп ҳам тилга олинавермайди. Бундан чиқди мазкур даврда улар ўз аҳамиятини йўқотган. Тилга олинганларидан, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув ва мол-мулк бошқаруви, назорати ҳамда солиқ ишларига масъул девонни кўрсатиш мумкин. Биламизки, ҳукмдор сулола намояндалари катта бойлик: мол-мулк, тегирмон, корхоналар, дўконлар, карвонсаройлар, ер-сув эгалари бўлганлар. Ана шу йўналишдаги ишларни девони саркори хосса олиб борган. Юқорида тилга олинган мухтасиб (раис) хизмати ҳам ил-

гари алоҳида девон миқёсида фаолият кўрсатганини биламиз. Аммо кўрилатган даврда мухтасиб девонига ишора манбаларда йўқ бўлгани учун ҳам биз уни даргоҳ хизматлари доирасида тилга олдик. Шу билан бирга «Абдуллонома»да вазирлар тилга олинади. Аммо уларнинг вазифаси хусусида тўхталинмаган. Балки улар бир девон доирасида фаолият кўрсатгандирлар.

Маҳаллий бошқарув ҳақида сўз кетганда, вилоятлар асосан ҳукмдор хонадон намоёндалари орасида мулк ўрнида тақсимлаб берилганини эслатиш kifоя. Шунингдек, вилоятларга йирик амалдорларни тайинлаш тартиби ҳам бўлган. Биз юқорида кўриб чиққан турли хизматларнинг кўпчилигини маҳаллий бошқарув тизимида ҳам учратиш мумкин. Айниқса, бу ҳолат Балх вилояти мисолида яққол кўзга ташланади. Шайбонийлар замонида ҳам қалъа бошлиғини қутлов дейиш расм бўлган бўлса-да, шу билан бирга бориб-бориб у шаҳар ҳокими мақомини ҳам касб этади.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

Тошкент Ислом университети
Фикҳ кафедраси мудири

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Йигирманчи аср ўрталарига келиб, дунёнинг таниқли шарқшунос олимларидан ташқари БМТ томонидан ҳам шарқ, айниқса Марказий Осиё маданияти диққат марказига қўйилиб, Кўшон ёки Кўшонийлар давлати (исломдан олдин) ва Темурийлар давлати (исломдан кейин) ниҳоят қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда.

Дунёнинг диққат эътиборини ўзига тортган мазкур икки даврда яратилган маданият, бизнинг халқимиз — ўзбек халқи, барча Марказий Осиё халқларининг ифтихори ҳисобланади.

1969 йил сентябр ойида 40 дан ошиқ мамлакат олимлари ва тадқиқотчилари иштирокида ЮНЕСКО томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган катта халқаро симпозиум, Темурийлар қолдирган моддий, маънавий ёдгорликларни муҳокама қилиб, унинг тарихий аҳамиятини кўрсатиб берди. Симпозиум чиқарган хулосаларга кўра ушбу давр тараққиёти XVII—XVIII асрларга қадар Марказий Осиёда санъат соҳаларининг ривожини учун асосий йўналишларни белгилаб берган экан. Симпозиумда 40 мамлакат жумласида АҚШ, Буюк Британия, Федерал Алмания, Эрон, Туркия, Афғонистон ва бошқалар иштирок этган эди.

Шунингдек ЮНЕСКО томонидан Афғонистонда «Кўшониёлар даврининг тадқиқот маркази» ташкил этилиб, ушбу даврнинг ўрганиш, марказнинг асосий вазифаси этиб белгиланган эди.

XIV—XV асрлар — Темурийлар даври ғарб шарқшунос олимлари томонидан шарқ ренессанси (уйғониш даври)нинг иккинчи босқичи деб аталган. Бу даврнинг тараққиёт йўллари белгиланчиси ва ундаги буюк тамаддуннинг тамал тошини қўйувчиси улуғ бобомиз соҳибқирон Темур эди. У ёққан тамаддун машғали, унинг авлодлари — Улуғбек Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо, Бойсункур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро Мирзо, Бобур Мирзо ва унинг авлодлари даврларида ҳам беш юз йилгача Марказий Осиё ва Ҳинд ярим оролида ёруғлигига ёруғлик қўшилиб порлаб турди. Унинг ёруғлигида жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирувчи маданият дурдоналари яратилди.

Ушбу ёрқин воқеликни баъзи бир олимлар жумладан тоталитар тузум назарийчилари, баъзи бир Афғонистонлик ва Эронлик олимлар инкор этиб ёки унга кам баҳо бериб келган бўлсалар ҳам, ҳақбин олимлар назаридан ҳеч қачон четда қолмаган. Машҳур Эронлик адабиётшунос ва тадқиқотчи олим доктор Забиҳулло Сафо, марҳум Али Асғар Ҳикмат ва аллома Қазвиний, Афғонистонлик олимлар марҳум Абдулҳай Ҳабибий, Ётмодий, Фикрий Салжуқий, доктор Яъқуб Воҳидий, доктор Иноятullo Шаҳроний, рус олими Бартольд ва бошқалар ўз илмий ишларида ушбу маданиятни турли қирраларини ёритиб ўтганлар.

✓ Темурийлар давлатини адолат ўлчовлари, ҳуқуқий меъёрлар ва қонуний нормалардан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Негаки қонун устуворлиги Темурийлар буюк давлатининг белгиланчиси хусусияти сифатида унинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этиб келган ва Темур ўз даврининг салоҳиятли ҳуқуқшуноси, фақиҳ ва олими бўлиб, давлатга раҳбарлик қилган.

Амир Темур шахсиятини шаклланиши ва камолот даражасига етиб боришида унинг отаси Тарағай Баҳодир, биринчи устозлари ва маънавий муршидлари асосий рол ўйнаганлар. Манбаларда таъкидланишича унинг биринчи ўқитувчиси Мулла Алибек бўлган. Ундан кейинги устози Шайх Шамсуддин номли олим бўлган. Темур улардан бошланғич илмларни, айтиб ўтганимиздек ҳарбий фанлар ва тактикаларни ўрганиш билан шуғулланиб ўз олий истеъдоди билан ўқитувчиларни ҳайратда қолдирган ва Қуръони Каримни ҳифз этган.

Бир кун Шайх Шамсиддин Тарағай Баҳодир билан бир гуруҳ шаҳар олимлари ва руҳонийларини чақириб, улар ҳузурида Темурдан имтиҳон олади. Темур барча саволларга

жавоб қайтариб, учта сурадан сўралган оятларни ёддан «Тажвид» (Қуръон оятларини тўғри ўқиш қоидалари)га мувофиқ ўқиб ҳаммани қойил қолдиради.

Манбаларга кўра Темурга «Ҳофиз ул-Қуръон» деб лақаб берадилар. Шайх уни истеъодларига тенг келадиган бошқа бир устодга топширишни тавсия этади.

Тарағай Баҳодир ўғлини Абдулла Қутб номли машҳур мударрис мадрасасига юборади. У ориф ва олим киши бўлиб, шаҳар аъёнларининг ўғиллари ундан дарс оларди. Темур ёшлигиданоқ фикҳ яъни ҳуқуқ илми билан қизиқиб, инон ихтиёрини ушбу фанга берган эди. Кўп ўтмай у асосий фанлар муқаддимоти (бошланғич усуллари)ни ўзлаштириб олади. Ундан кейин Самарқандга бориб устои Абдулло Қутб топширган мактубни машҳур сўфи ва ориф Шамсуддин Кулолга тақдим этади.

Шамсуддин Кулол Фохурий ал-Киший унинг илмияти ва истеъдодидан хабар топгандан кейин, ўз қўлини унинг бошига қўйиб, юзига диққат билан қараб, мажлис аҳлига шундай деган экан: — «Мен ушбу йигитнинг манглайида улуг нур кўраман. У бошқа ҳеч ким етишмаган юксак мақомга етиб боради. Сизлар ўз кўзларингиз билан унинг оламгирлиги ва етти иқлим подшоҳи бўлганини гувоҳи бўлурсизлар».

Шундан кейин ёш Темур ўз замонасининг барча фанларига қизиқиб ўз муршиди раҳбарлигида турли тариқатлар таълимоти билан ошно бўлиб, маънавият уммонига шўнғийди. Қуръони Карим оятларининг туб моҳиятига етиб боришга уринади. Унда Қуръон оятларини аввалдан охирига қараб ва охиридан аввалига қараб ўқиш ажойиб малакаси борлиги кўринади. У машҳур ориф Шайх Маҳмуд Шабистарий асари «Гулшани роз» китобини кунт билан ўқиб, унинг ирфоний ғояларидан таъсирланган эди. Ҳокимиятга эришиб Озарбайжонни тасарруф қилгандан кейин Маҳмуд Шабистарий ватани бўлмиш, Шабистар аҳолисини ардоқлаб уларнинг ҳар бирига беш мисқолдан ҳаммаси бўлиб 18500 (ўн саккиз минг беш юз) мисқол олтин бағишлайди.

Темур давлатида ишлар ҳар доим кенгаш асосида олиб бориларди. Унинг ўзи «ҳар бир ишни кенгаш билан бажардим, барча ишларнинг фақат бир қисмини қилич орқали амалга оширдим» деган эди. Ҳақиқатдан ҳам Амир Темур Туркий халқлар миллий удум ва анъаналарига таянган ҳолда барча ишларни кенгаш асосида амалга оширишни ўз давлатини асосий принципи қилиб олган эди. Масалан Балх шаҳрида 1370 ёки 1373 йили бўлиб ўтган катта қурултой уни бутун Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ягона ҳукмдори қилиб сайлайди. Қурултойда турлитуман сиёсий, иқтисодий масалалар қўрилиш бўйича план

ва режалар кўриб чиқилган. Буюк кенгаш иштирокчиларининг назарлари олингандан кейин амалиётга ўтилган. Амир Темури ҳаёти ва сиёсий фаолиятлари бўйича кенг изланишлар ва қизиқарли кузатишлар олиб борган ёш олим Хуршид Давроннинг таъкидлашича соҳибқирон томонидан ўтказиб келган қурултойлар Шарқ ўлкаларида бундан 6 аср муқаддам типик парламент Амир Темури томонидан асос солиниб, давом этганлигининг ёрқин далилидир.

Дунё миқёсида соҳибқиронни юксак мақомга кўтарган унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларининг мажмуаси «Темур тузуқлари»дир. Дунёнинг турли тиллариға таржима қилинган ушбу асар давлатни идора қилиш усуллари, қўшинни ташкил этиш қоидалари, савдо сотиқни ривожлантириш йўллари, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш меъёрлари, урушларда амалга оширилиши зарур бўлган турли ҳарбий тактикалар сингари бир қатор сиёсий ҳуқуқий ҳарбий назариялар ва нормаларни ўз ичига олади.

«Темур тузуқлари» нафақат Темурийлар давлати балки унинг идомаси бўлмиш Бобурийлар давлатида ҳам асосий қонун (конституция) ўрнида амал қилиб келган. Ундан илҳомланган Мирзо Бобур ўзининг шоҳ асари «Бобуринома»ни яратган. Унинг набираларидан бири Жаҳонгир ибн Жалолиддин Акбар «Тузуки Жаҳонгирий»ни қолдирган.

Темурнинг суҳбат ва мажлислари ҳар доим фақиҳлар, олимлар, муаррихлар, тариқат арбоблари, шоирлар, муҳандислар ва мунажжимлар билан бўлиб турган. Масалан, ўша асарнинг икки буюк ва иқтидорли алломаси «ал-Мутаввал» ва «Муҳтасар ул-маоний» каби йирик асарлар муаллифи, Саъдридин Тафтозоний, «Таърифот» ва «ал-Кубро филмантик» каби машҳур китоблар муаллифи Саййид Журжоний ҳар доим унинг мажлисларида ҳозир бўлиб, илмий мунозараларда фаол иштирок этиб келганлар.

Султония усуфи Темур давлат маслаҳатчиси ва Ғарб мамлакатларига юборган христиан элчиси ўзидан ёзиб қолдирган Темур ҳақидаги хотираларида «Темурбек форс, араб, турк тилларини билади. Қуръон илми ва ислом ҳуқуқида шу қадар кучли олимки ҳеч бир мусулмон олим у билан мунозара қилишга қодир эмас. У олим ва шоирларга катта ҳурмат билан қарарди. Бунинг сабаби шундаки унинг ўзи олим ва донишманддир» деб таъкидлаган эди (Ушбу қўлёзма Париж миллий музейида сақланмоқда).

Темур даврида суд тизими кенг қўламда ривожланди, эҳтисоб тизими бутун мамлакат бўйича жиноят содир бўлишни олдини олиб, фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиб турарди. Нарху навони назорат этиш, экологияни асраш, йўллар ва кўприклар хавфсизлиги, озиқ-овқат ва сувлар покизалигини сақлаб, мамлакат бўйича ғайри динлар ва

хорижий мусофирларга тазйиқ ўтказиш, шаҳарларда қишлоқ аҳолисига нотўғри муносабатда бўлишни олдини олиш ҳатто ҳайвонларни ҳимоя қилиб, кемалар хавфсизлигини таъминлаш, муҳтасибларнинг вазифасига кирарди. Муҳтасиб ҳозирги Амбудсман вазифасини кенгроқ кўламда бажариб тўғридан-тўғри давлат раҳбари томонидан тайинланарди.

Америкалик машҳур ҳуқуқшунос олимнинг таъкидлашича, эҳтисоб институти Швеция қироли томонидан ислом шариати принциплардан кўчириб олиниб, парламентдан Амбудсман тизимига айлантирилган. Темур даврида муҳтасиб вазифаси бугунги Амбудсман вазифасига нисбатан жиддийроқ ва ниҳоятда амалий аҳамиятга эга эди.

Темурийлар даврида суд тизимига катта эътибор қаратилиб, шайх ул-ислом ва қозилар юксак мақом ва ҳурматга эга эди. Ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар «Қози аскар», яъни ҳарбий суд томонидан кўриларди.

Амир Темурнинг давлатни бошқариш ҳақидаги ҳуқуқий қарашлари 12 принципдан иборатдир. Уларнинг айримлари қуйидагилар:

3 — маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик (тадбир билан иш тутиш), фаоллик ва эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларини ўзимга бўйсундирдим.

4 — давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бажардим.

6 — ишларни адолат ва инсоф билан юритиш, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқариш.

9 — Раият ҳол-аҳволидан ҳар доим хабардор бўлиб туриб, ҳокимлар ва сипоҳийлар томонидан раиятга жабр ситам ўтказилган бўлса, уларни адолат ва инсоф юзасидан жазолаш.

10 — Турку-тожик араб ва ажамнинг турли тоифалардан паноҳ остида бўлган кишиларга эҳтиром билан боқиб қарамли ва кечиримли бўлиш.

Агар диққат билан ушбу асосий қоидаларни текшириб кўрадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси адолат меъёрларига асосланган бўлиб, ҳар бирида инсоф ва адолатни таъминлаш ва ҳаққониятга эришиш учун қонун устуворлиги принципи назарда тутилгани яққол кўзга ташланиб туради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адолатсиз қонунсиз, урфу-одат қонунларисиз давлатни тасаввур қила олмайдиган Темур ҳақиқатдан ҳам уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг энг муҳим босқичига раҳбарлик қилди. Жамият ва давлат бошқаруви учун бизга ўзининг тузуқлари каби қимматли сиёсатнома ва қонуннома асарини қолдирди.

Соҳибқирон Амир Темур қолдирган ҳуқуқий қарашлар ва сиёсий ғоялар ўрни келганда юртбошимиз томо-

нидан ҳозирги давр, яъни ХХІ асрга ўтиш бўсағасида давр талаби ва замон тақазосига мувофиқ ижодий шакл ривожлантирилиб, мукаммаллаштирилиб, амалий ҳаёти-мизда тадбиқ этиб келинмоқда.

Соҳибқироннинг ҳикматли сўзлари:

- Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлур.
- Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму си-там йўлини тўсдим.
- Адоват эмас, адолат енгади.
- Салтанатимни бошқаришда ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим.

Мамлакатимда турли соҳаларда қонун амалга ошири-ладиган бўлса, мен ўзимни ўша ерда ҳозир тургандек сезаман. Мен ҳар доим аскарларимни қонунга итоат қилиш руҳи билан тарбиялаб келдим. Қонун бузувчиларни жазо-сиз қолдирмадим.

Наим ҒОЙИБОВ

Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар Вазирлиги Академияси;
фалсафа фанлари доктори,
профессор

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИ

Давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асо-сига қурилмоғи лозим.

И. А. КАРИМОВ

Буюк бобокалонимиз Амир Темури ва Темурийлар дав-ри маънавияти, мафкураси ҳамда давлатчилик тартиб-лари салоҳияти, мазмуни, таъсир кучи жиҳатларидан ўз замонасида мисли қўрилмаган даражада тараққиётга эри-шилган.

Хўш, Амир Темури даври маънавиятининг бу қадар юксак эътиборга молик бўлишида қандай ижтимоий-маъ-навий воситалар сабабчи бўлди? IX—XII асрларда, Мар-казий Осиёда кечган буюк Уйғониш даври кашфиётлари, илм-фан, маданият соҳасидаги кўтаринкилик кейинги аср-лар, жумладан Амир Темури замони маданияти, давлат-чилиги ривожланишига Мовароуннаҳрда ягона ва қудрат-ли давлат барпо этилиши ҳамда бу ерда тинчлик-осойиш-талиқнинг таъминланиши илм-фан ва маданият равнақи

учун зарур омиллардан эди. Лекин, булардан ташқари, Амир Темур давлати маданиятининг шиддатли ва кенг доирада юксалишининг яна бир ўта муҳим омили юзага келган эдики, бусиз маданият маънавият бу қадар юксак чўққиларга кўтарила олмас, халқ турмуши ҳамда онгига дадил кириб бора олмас эди. Бу Амир Темур даври асосий ижтимоий-маънавий ғояси Баҳоуддин Нақшбанд тариқати мафкурасининг ҳазрат соҳибқирон давлати сиёсатининг асоси этиб тайинланиши ҳамда давлат фаолиятини шу мафкура асосида олиб борганлиги омилидир.

Амир Темур назари тушган ва уни ҳаётининг мазмуни деб англаган Нақшбандия тариқатининг асосий ғоялари нималардан иборат эди? Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида сўфийликнинг бошқа тариқатлари, чунончи Ясавийлик ва Кубровийлик таълимотларидан фарқли ўлароқ, Оллоҳга яқин бўлишнинг тўғри ва энг самарали йўли таркидунёчилик эмас, балки жамият саодати учун яшаш, бунёдкорлик, савоб ишлар ва мукаммал ахлоқ эканлигини кўрсатади ҳамда ана шу мафкурани изчил ва ёрқин ифода этади. Нақшбандия тариқати йўлини тутганлар қалбда Оллоҳни жо қилиб меҳнат қилишлари, дунёни обод этишлари зарур. Нақшбандия тариқатининг «Дил ба ёру, даст ба кор» деган асосий қондаси ҳам юқоридаги ғояга айнан мос келади. Бу эса бутун тасаввуф таълимоти, шунингдек, бошқалар меҳнати ҳисобига кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм ва истибдодни қатъиян қоралайди. Бу таълимот асосчилари кишиларни фақат ўз кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар; одамларни савдо-сотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, илм-маърифат, масалан, хаттотлик, наққошлик, бунёдкорлик каби фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Ислом дини туб моҳиятини англамоқ ва одамларга англаймоқ борасидаги бундай ёрқин сифатий ўзгаришни Амир Темур пайқамаслиги ёки унга эътибор бермаслиги мумкин эмас эди. Аксинча, у ислом дини талқинида содир бўлаётган бу сифатий янгиликни ҳаммадан аввал пайқабгина қолмай, уни ўз фаолиятида қўллай ҳам бошлади. Сўнграқ, Мовароуннаҳрда марказлашган қудратли давлат барпо этиш ва, хусусан, Буюк Темур салтанати — империясининг қонун-қоидаларини ана шу таълимот — Нақшбандия тариқати ғоялари билан асослади. Ва ниҳоят кучли мафкуравий назария ҳамда бой амалий тажрибалар маҳсули сифатида давлат юритишнинг машҳур қонун-қоидалари мажмуаси — «Темур тузуклари» майдонга келди. Шу билан Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳрда ва салтанатнинг бошқа ҳудудларида кучли ижтимоий мафкура сифатида

Амир Темур ва Темурийлар даврида давлат тизими ҳамда бошқарувининг ғоявий асосига айланди.

Нақшбандия тариқати асосида юзага келган мафкуранинг амалий аҳамияти Амир Темур давлати сиёсатини шакллантириш ва қарор топтиришда айниқса яққол намоён бўлди. Чунончи, давлат сиёсатини белгилашда ва уни амалда ҳаётга татбиқ этишда Нақшбандия тариқати ғояларини ифодаловчи «рости-русти» қондаси асос қилиб олинди. «Рости-русти» ҳақиқат — тартиб, ҳақиқат — адолат маъносида бўлиб, барча ишда, хусусан одамлар орасидаги муносабатларда, умуман ҳаётда ҳақиқат қарор топиши, бу эса адолатнинг, яъни одил жамиятнинг тасдиқ этилишини таъминлаши лозим, деган маънони билдирарди.

Ҳазрат соҳибқирон бу ғояни янада тақомиллаштириб ва унга аниқлик киритиб, «Адолат кучда эмас, куч — адолатдир» деган машҳур ҳамда бу давргача давлатлар тажрибасида оммавий қўлланилмаган қондани кашф этди. У ўзининг «Темур тузуклари» асарини ҳам шу қоида асосида яратди; умрининг охиригача бутун фаолиятида шу қоидага риоя қилди.

Давлат сиёсатини адолат мезони асосида юритилиши бошқаришнинг барча соҳаларини ана шу мезонга мослаштиришни тақозо этар эди. Амир Темур давлатида ҳозирги кундаги парламентни эслатадиган катта ва кичик Кенгашлар шу талабга мувофиқ таъсис этилган эди. Катта кенгашлар тинчлик вақтида улуғ амир саройида, Самарқандда чақирилган. Унда Амир Темурнинг яқинлари: амирлар, вазирлар, олий табақадаги руҳонийлар вакиллари, беқларбегилар, улус оқсоқоллари, туманбошилар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодир унвонини олган кишилар қатнашган. Кенгашда мамлакат ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинган. Кичик кенгашда эса Амир Темур, унинг ўғиллари, неваралари ва қариндошлари, қўшин бошлиқлари иштирок этган. Унда узоқ мамлакатларга қилинадиган юришлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган.¹ Бу кенгашлар оралигида юзага келган масалалар ҳам маслаҳат ва мунозара воситасида ўз ечимини топган. Бундай ҳолларда Амир Темур давлат аъёнлари, олимлар, муайян соҳалар бўйича мутахассислар билан маслаҳатлар қилиб ва кенгашиб, сўнг

¹ Бу ҳақда қаранг: У. Тожихонов, А. Саидов. «Ҳуқуқий маданият назарияси». 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси нашри, Т., 1998, 176—179 бетлар.

аниқ хулосага келган. Шу боис, бежиз эмаски, Амир Темур «Тузуқлар»да: «салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тadbир ва кенгаш, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини» англаганлигини ёзади.¹

Давлат ишларини адолат мезони асосида олиб борилиши мустаҳкам тартиб-интизомнинг жорий этилишини тақозо этарди. Амир Темур салтанатини бошқариш учун марказлашган кучли давлат маҳкамасини ташкил этиб, унда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатди. Тартибни бузган шахс жазосиз қолмаган, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари қатъий, аниқ белгилаб қўйилган эди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилувчилар, ўғрилар, қароқчилар шафқатсиз жазоланган. Ўз мансабини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, ичкилик-бозлик, маиший бузуқлик қабилад айниқса оғир гуноҳ ҳисобланиб, уни қилганлар қаттиқ жазога тортилганлар.

Шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, Амир Темур тартиб-интизомга риоя этишда, давлатнинг обрў-эътибори, шарафи, манфаати соҳасида қаттиққўл бўлиб, бу ишларда ғоят мустаҳкам, тебранмас, барқарор турарди. Бу соҳалардаги гуноҳлар ҳатто Амир Темур авлодларига тааллуқли бўлган ҳолларда ҳам улар тегишли жазоларини олганлар. Чунончи, Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ, невараси амирзода Пирмуҳаммад лавозимларини суиистеъмол қилганликлари, фуқаро ва давлат манфаатини ҳимоя қилишда совуққонликка йўл қўйганликлари учун ҳазрат соҳибқирон томонидан қаттиқ жазоланганликларини темуршунос тарихчиларнинг аксарияти, ҳатто Амир Темур шахсиятини унчалик хуш кўрмаган осиелик ва европалик тарихчилар ҳам қайд этадилар. Давлат сиёсатида бундай тартибнинг жорий этилиши натижасида мамлакатда барқарор тинчлик-осойишталик қарор топдики, бу ҳам ўз навбатида, Нақшбандия ғоялари асосидаги адолатнинг халқ турмуши баракатига, жамият тараққиётга йўл очувчи буюк бир қадам эди.

Таълим-тарбия ишлари ҳам Нақшбандия ғояларини ифода этувчи мафкура асосида олиб борилди. Фарзандларга ислом динига эътиқод қилишни ўргатиш билан бирга, меҳнатни севиш, соф ахлоқли бўлиш, одамларга неклик кўрсатиш, билим олиш, ҳунар ўрганиш ва бошқа олижаноблик каби фазилатлар уқтирилди.

Давлат аҳамиятига молик бўлган бундай муҳим ишнинг бошида бевосита ҳазрат соҳибқироннинг ўзи турар, уларга узлуксиз раҳнамолик қилар эди. Фақат раҳнамолик эмас, фуқарога, хусусан ёшларга тарбиявий ўғитлар ҳам берарди.

¹ Темур тузуқлари. Т., Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 25-бет.

Шарафиддин Али Яздийннинг ёзишича, Амир Темур халқ билан мулоқотда бўлган чоғларида Баҳоуддин Нақшбанднинг «дил ба ёру, даст ба кор» деган қондасини такрорлашни хуш кўрарди. У, шунингдек, «Камар бар миён ва сано бар забон» — «Белда камар ва тилда сано», яъни «Иш билан сўз бир бўлсин», «Мурувват ва марди пеши холиқ ва халойиқ маҳмуд аст» — «Инсонпарварлик, яхшилик ва мардликни Оллоҳ ҳам улуғлайди», деган ҳикматли сўзларни такрорлашдан чарчамас ҳамда ўз фаолиятида бу ҳикматларга тўлалигича амал қилар эди, бу билан ёш авлоднинг ўрнак олиши учун ёрқин мезон маёғига айланганди.

Нақшбандия тариқати ғоялари билан пишитилган давлат сиёсати ҳамда мафқурасининг халқ ҳаётига дадиллик билан, узлуксиз равишда жорий этилиши тез орада ўзининг ижобий самарасини намоён этди. Бу ҳодиса дастанвал одамлар, хусусан ёшларнинг ўй-фикрларида равшан кўзга ташланди. Мамлакатда имони бутун, ислом динига содиқ, шу билан бирга, илм ва билимга ўч, меҳнатга шай, касб-хунар шайдоси, буюк бунёдкорлик ишларига астойдил бел боғлаган янги авлод ўсиб етишган эди. Бу авлоднинг эзгу нияти юртни обод қилиш, шаҳар ва қишлоқларни гуллаб-яшнатиш, фан-маданиятни ривожлантириш, хунарамандчиликнинг донғини ошириш, боғ-бўстонлар яратиш ва ҳоказо савоб ишлар бўлиб, бутун сатъ-ҳаракатлари ана шу ниятларни юзага чиқаришга сарфбар этилган эди.

Боз устига, солтанатга тобеъ бўлган узоқ мамлакат ва ўлкалардан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабзга келтирилган қўли гул хунарамандлар, олимлар, ижодкорлар, меъмору қурувчиларнинг илми-амали юқоридаги улуғ бунёдкорлик ҳаракатига қўшилиб, буюк бир моддий-маънавий кучга айланган эдики, бунинг қаршисида ҳар қандай оғир вазифа ҳам осонликча ечила борур эди. Чунончи, Испания — Кастилиянинг Амир Темур саройига келган элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳазрат соҳибқирон амр этган бир мураккаб вазифанинг қисқа муддатда ва аъло даражада бажарилганлигидан ҳайратга тушганлигини ёзади. Элчининг баён этишича, Самарқандда молу матоларни тартиб билан сотиш учун катта жой бўлмаганлиги сабабли улуғ амир шаҳар бўйлаб шоҳ кўча очишни, унинг икки тарафда эса мол сотиш учун махсус дўконлар қуришни буюради. Бу кўча шаҳарнинг бир чеккасидан бошланиб, бутун шаҳарни кесиб ўтиши ва унинг иккинчи чеккасига чиқиши керак эди... Амир Темур кўрсатиб берган ердан кўча қуришга киришилди. Кўча ўтадиган ерларда учрайдиган уй-жойлар, улар кимники бўлишидан қатъий назар, бузула бошланди... Бир гуруҳ кишилар бузиш ишларини тугатишлари билан уларнинг ўрнига бошқа гуруҳ одамлар келиб қури-

лишни тезлатиб юборар эдилар. Кўчани жуда кенг қилиб олдилар; унинг икки томонида савдо дўконлари қурдилар... Дўконлар икки қаватли бўлиб, уларнинг тепаси бутун кўча бўйлаб гумбаз қилиб қоплаб олинган, ёруғлик тушсин учун гумбаз пештоқида деразалар ўрнатилди. Дўконлар битиши билан уларга турли хил мол сотувчи савдогарлар ўрнаштирилди. Ишга олинишда, талабномалар қанчалик кўп бўлмасин, шу иш қўлидан келадиган одамлар танланар эди... Кундуз куни ишлаганлар кетиши ҳамоно кечаси ишловчилар келардилар. Бировлар йўлга тушган уй-жойларни бузсалар, иккинчилари ер текислар; улар кечаю-кундуз шовқин-сурон билан ишлар эдилар. Натижада кишини ҳайратга соладиган ишлар қилинди.¹

Клавиҳо баён этган юқоридаги қурилиш воқеаси Амир Темур даврида одатга айланган бунёдкорлик сиёсатининг амалда намоён бўлган бир мисоли холос. Худди ана шу бунёдкорлик руҳи ҳамда ҳазрат соҳибқирон ва унинг авлоди саъй-ҳаракати билан қурилган мадрасалар, масжидлар, кўшқлар, бозорлар, кўприklar, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, наҳрлар, қалъалар ва бошқа иморату иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибиҳоним жоме масжиди, Гўри Амир мақбараси, Хожа Аҳмад Яссавий, Жанги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи зиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари ўнлаб чорбоғлар ва бошқа иншоотлар ҳазрат соҳибқирон давлати бунёдкорлик сиёсатининг амалдаги ижроси эди.

* * *

Амир Темур даврининг Нақшбандия ғоялари асосида шаклланган мафкураси ҳазрат соҳибқироннинг ҳарбий юришлари сиёсати мазмуни ва мақсадларига ҳам таъсир этмай қолмади. Масаланинг моҳиятига обдан киришмасдан ҳарбий юришлар ва Нақшбандия тариқати ғоялари бир-бирларига муқояса этилса, албатта, бир-бирига тамоман зид тушунчаларга юзма-юз келишимиз мумкин. Лекин масала чуқурроқ ўрганилса, Амир Темурнинг ҳарбий юришлари даврида содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисалар обдан таҳлил этилса, буюк саркарданинг ҳарбий юришлари мазмун-мақсадларини ҳам ўз мафкуравий ғояларига бўйсундирилганлигини кўрамиз.

Албатта, урушлар, вайронагарчиликлар ҳамда ободончилик ўз моҳиятларига кўра бир-бирларига зид, мантқан бир-бирини инкор этувчи тушунчалардир. Амир Те-

¹ Бу ҳақда қаранг: Иброҳим Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли.

мур эса ҳазилакам юришлар қилмади. У ўз умрининг кейинги 25 йили давомида Жанубий-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига бирин-кетин юришлар қилди. Бу юришлар ва жанглар натижасида қўшлаб мамлакатлар фатҳ этилди. Темур империясининг ҳудуди кенгайди. Шу билан бирга катта талофатлар ҳам бўлди. Катта-кичик шаҳарлар вайрон этилди, икки тарафдан ҳам кўп одамнинг қони тўкилди. Афсуски, бундай ҳолатлар азал-азалдан урушларнинг битилимаган ва мудҳиш қонунлари ҳисобланиб келинган. Яна ҳам афсусли томони шундаки, қўли баланд келиб ғолиб чиққан тараф кўпинча уруш ҳаробаларини ободонлаштиришга қўл урмаган. Қарангки, урушларнинг бу «қонуни» Амир Темур фаолиятида таназзулга учради. Улуғ амир урушлар туфайли ишдан чиққан халқ ҳўжалигини тиклашни, вайронагарчиликни битириш, халқ чеккан азиятларни даволашни, гарчанд у ғолиб келган бўлсада ўзининг муқаддас бурчи деб тушунган ва унга тўлалигича амал қилган. Ҳазрат соҳибқироннинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим», — деган сўзлари бежиз айтилмаган, албатта.

Шу ўринда, Амир Темур урушлар оқибатида юз берган вайронагарчиликларни ўзи қайтадан тузатар, обод этар экан, уруш қилишнинг нима ҳожати бор эди? деган табиий савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб топиш учун авваламбор ҳазрат соҳибқирон дунёга келиб улғайган даврини бир карра кўз ўнгимизга келтирайлик. Амир Темурнинг ёшлик, йигитлик чоғлари Марказий Осиёда Чингизхон империяси аста-секин емирилаётган, унинг ўрнига юзага келаётган майда-майда феодал давлатлар ўртасида ур-тўполонлар, бир-бирлари устига бостириб боришлар, қамал қилишлар, уриш-жанжаллар кучайиб кетган бир даврга тўғри келади. Амир Темур шундай бир даврнинг фарзанди сифатида, табиийки, ана шу тарихий шароит доирасидан чиқиб кетолмас эди. Бу биринчидан бўлса, иккинчидан, умуман инсоният тарихида урушлар, босиб олишлар бўлмаган мамлакатлар деярли йўқ, бинобарин, урушлар қарийб урфга айланиб қолган.

Лекин, Амир Темур ҳарбий фаолиятини синчиклаб ўрганган киши шу нарсани сезмаслиги мумкин эмаски, ўз ҳарбий юришлари олдига ана шу урфни давом эттириш, зўравонлик қилиш, бошқа мамлакатларни босиб олиш, одамларга бераҳмлик билан улар бошида қамчи ўйнатиш мақсадини қўйган эмас. Унинг ҳарбий сиёсати давлатни бошқаришнинг бошқа соҳалари сингари асосан адолатга ва бунёдкорликка қаратилган. Бу гоё, шунчаки, айтиб қўйилган гоё эмас, давлатни бошқаришнинг асосий тартиб-қоидаларини белгилаб берган «Темур тузуқлари»да

муҳрланган ҳамда Амир Темур ҳарбий фаолиятида амалда қўлланилган ғоядир. Бинобарин, бу ғоя ҳатто Амир Темурдек буюк шахснинггина эмас, балки у бошқарган буюк давлатнинг адолат ва бунёдкорлик ғоясидир. Шу ўрнида венгриялик машҳур шарқшунос олим Герман Вамберининг «Бухоро тарихи» китобидаги Амир Темур ҳақида айтилган қуйидаги фикрга диққат қилайлик: «Темурни Чингизхон билан бир қаторга қўйиб, уни ёвуз, ўзбошимча, мустабид ҳоким, деб атовчиларнинг фикрлари икки томонлама хатодир. У, аввало, ўзининг ғолибона қуролини, замонасининг одатига қўра ишга солган осиелик ҳоким эди. Унинг душманлари таъкидлаган қабиҳ ишлари ва вайронгарчиликлари эса бирор жиноят учун олинган ўч эди, холос. Тўғри, бу ўч жуда қаттиқ, лекин шу билан бирга адолатли эди»¹. Г. Вамберининг қарийиб бир ярим аср муқаддам Амир Темур ҳақида билдирган бу фикрининг ҳаққоний эканлигини эндиликда кўпчилик тарихчилар тан оладилар.

Тарихий ва замонавий манбаларда қайд этилганидек, Амир Темурнинг ҳарбий юришлардан кўзлаган асосий мақсади марказлашган қудратли давлат барпо этиш, шу йўл билан ўз мамлакатига тинчлик, осойишталик ўрнатиш, ипак йўлини қайта тиклаб, унинг шарт-шароитларини яхшилаш орқали савдо-сотиқни жиддий равишда ривожлантириш, халқлар ва мамлакатлар ўртасида маданиятлар алмашинуви жараёнини яхшилаш ва ҳоказо савоб ишлардан иборат эди. Бу мақсаднинг моҳиятини пайқаган ва Амир Темур империяси таркибига киришга хоҳиш билдирган ҳукмдор ва мамлакатлар ҳазрат соҳибқироннинг олқишига сазовор бўлганлар. Шу билан бирга, ўз мамлакатларида ҳукмдор лавозимида қолиб, иқтисодий, маданий тараққиётга кенг йўл очганлар. Амир Темур юришларининг юқоридаги мақсадини англаб етмаган, кўрс, қайсар ҳукмронларнинг унга нисбатан душманлик ҳаракатлари эса шиддатли урушларни келиб чиқишига сабаб бўлган. Олтин ўрда ҳукмдори Тўхтамиш, Туркиянинг улуғ султони Боязид Йилдирим ва бошқалар билан бўлган жанглар бунга яққол мисол бўла олади.

Баъзи мамлакатларда адолат поймол этилган, ҳукмдорнинг халққа жабр-зулми кучайган ҳоллар ҳам Амир Темурнинг шу мамлакатлар ҳукмронларига қарши қилиш кўтариб боришга ундаган. Бундай қилишни, ўша мамлакатларда адолат ўрнатиб, халқ манфаатига йўл очишликни Амир Темур давлати мафкураси тақозо этар эди. Зеро, бу мафкуранинг адолат ҳамда бунёдкорликка оид ғояла-

¹ Г. Вамбери. История Бухары, т. 1. СПб., 1873, с. 217. Бу ҳақда қаранг: Иброҳим Мўминов. Кўрсатилган китоб, 49-бет.

рини ҳаётга татбиқ этишнинг буюк ижрочиси, ислом дини, Нақшбандия тариқати ўта одил ғояларининг ота-шин тарғиботчиси сифатида ҳазрат соҳибқирон ўз зиммасига олган бу юмушнинг энг савоб ҳаракатлардан бири эканлигини чуқур англаган. Бу хусусда «Тузуқлар»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу-фасод кучайиб кетаркан, асл подшоҳлар адолат ўрнатишиб, фисқу-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга ҳужум бошлаши лозим. Тангри таоло шу ниятнинг шарофати билан мамлакатни зolimнинг қўлидан тортиб олиб, одил (подшоҳ)га топширади»¹. Кўринадики, Амир Темурнинг юқорида баён этилган зарурат асосида қилган ҳарбий юришлари ҳам улкан бир савоб ишнинг, адолат ўрнатиш, исканжага олинган халққа озодлик бериш, элни маъмур қилишнинг тақозоси туфайли амалга оширилган. Қайд этиш керакки, ана шундай савоб мақсадларни назарда тутган уруш ва курашлар ҳамма замонларда ҳам, жумладан биз яшаб турган ҳозирги замонда ҳам қораланмайди; уларга адолат ва тинчлик ўрнатишнинг, халқлар бахт-саолатини кўзлаган, тараққиётга йўл очишнинг бир воситаси, мажбурий усуллари деб қаралади. Чунончи, дунёнинг кўп мамлакатларида рўй бериб турган диний экстремизм ва бошқа ёвуз кучларга қарши курашлар шунга далилдир.

Амир Темур қайси сабабларга кўра жанг қилган ва қайси мамлакатни забт этган бўлмасин, у ерда зудлик билан ўзининг асосий мақсадини ҳаётга жорий этишга киришган. Мамлакат аҳолисининг аҳволини сўраб-суриштирган етим-есирлар бошини силаган, олим у фозилларни сийлаб, уларнинг ижодлари учун кенг шароит яратган, адолат ва тинчлик ўрнатган. «Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, — деб ёзади ҳазрат соҳибқирон, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; сайидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим. Уларга суюрғол вазибалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим... Улуғларини ва шароф-эътиборли кишиларини ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим»². Бу сўзлар ҳазрат соҳибқироннинг фаолиятида доимий қўлланга келинган амалий қоидалардир. Буни Амир Темур тарихини билган ва ҳозирда унинг фаолиятини ўрганаётган жаҳоннинг аксарият тадқиқотчилари аниқ, тарихий далил-

¹ Темур тузуқлари. Ғ. Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 115-бет.

² Темур тузуқлари. Ғ. Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1996, 118—119 бетлар.

лар билан тасдиқлайдилар. Амир Темур қайси мамлакатни забт этмасин, у ерда ободончиликка, бунёдкорлик ишларига кўпроқ эътиборни қаратар эди. Амир Темур ҳарбий фалиятининг асосий мақсади марказлашган қудратли ва обод салтанат — Темур империяси давлатини барпо этишдек улугвор мақсад мазмунидан келиб чиқиб, пировард натижада ҳосил бўлган катта бир ҳудудда тинчлик, осойишталик ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, бутун ҳудудни обод, гўзал диёрга айлантиришни назарда тутар эди. Шунинг учун ҳам ободонлаштириш, йўллар, кўприклар, работлар, масжиду мадрасалар қуриш, сувсиз ерларни боғу-бўстонга айлантириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалар. Булар орасида урушлар туфайли юзага келган вайроналарни тузатиш, улар ўрнига гўзал иншоатлар барпо этиш айниқса зарур вазифалардан ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам забт этилган мамлакатларни обод қилиш зарурати Амир Темурга тинчлик бермас, иккинчидан эса, Амир Темурдек адолатпеша ва буюк саркарда, юксак маънавияти билан етти иқлимга донг таратган шахснинг мамлакат ободлигига бепарво қараши ҳеч бир қонун-қоидага мос тушмади. Шу боис ҳам ҳазрат соҳибқироннинг ободончиликка бевосита ўзи бош бўлиб туриши, бу ишларни ҳимоя этиши табиий бир ҳол эди. Ҳазрат соҳибқирон забт этган мамлакатлари халқларини ҳам ўша мамлакат ободончилигига жалб этиш йўлларини яхши билар ва бу усулдан унумли фойдаланар эди. Халққа турли имтиёзлар бериш йўллари билан ҳам одамларни ободончилик ишларига ундар эди. 'Бу хусусда «Тузуклар»да баён этилган қуйидаги қоида ғоят муҳимдир: «Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки қориз қурса, ё бирон боғ кўқартирса, ёҳуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса (яъни, солиқ — Н.Ғ.) олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғсинлар»¹. Нечоғлик олий саҳоват! Ўз ерини, ўзи яшаб турган жойини, ўз ўлкасини обод қилгани учун амалда икки йил солиқдан озод! Бу, албатта, олижанобликдан ташқари, юртни обод этишнинг муҳим воситаси ҳам эди.

Империянинг узоқ юртларида ҳазрат соҳибқироннинг ўзи бош бўлиб бунёд этган иншоатлар, боғ-роғлар, ирригация қурилишлари, маданий-маиший бинолар ва ҳоказоларнинг қўлами ғоятда кенг эди. Амир Темур хоҳ Самарқандда, хоҳ сафарда бўлсин, бирор жойда озроқ тўхтаб турса, албатта бир хайрли ишни амалга оширар эди. Чу-

¹ Темур тузуқлари. Т., Ғ. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 124-бет.

нончи, Хуросонга юриш чоғида (1381 йил) Мурғоб водийсида тўхтаб, қўшинларига ушбу дарёдан ариқлар чиқаришни буюради. Бу иш қисқа фурсатда бажарилади, Мурғобдан 16 та ариқ чиқарилиб, маҳаллий халққа оби-ҳаёт олиб келади. Яна бир мисол Амир Темур Румга юриш олдидан (1401 йил) Қорабoғда қишлаб турган чоғида Арас (Аракс) дарёсидан сув оладиган бир ариқ қаздиради. Барлос номи берилган ва узунлиги қарийиб 80 км. келадиган бу ариқ бир ойга яқин муддат ичида қуриб битказилади, унда кемалар қатнови ҳам йўлга қўйилган. Ҳазрат соҳибқирон юриш охирида, 1403 йилда, Қорабoғда яна маълум муддат қишлоқ учун тўхтади ва катта бир хайрли ишни амалга оширади. Муҳандислар ва қурувчилар томонидан тайёрланган аниқ режа-лойиҳа асосида мўғуллар ҳукумронлиги даврида вайрон этилган Бойлакoн шаҳрини қайта тиклайди. Уруш туфайли вайронага айланган Бағдoд шаҳри ҳам Амир Темурнинг фармонида мувофиқ қайта тикланган. Бир йил ичида шаҳар қайтадан аввалги қиёфасига келтирилади, унда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий ҳаёт ривожланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳазрат соҳибқирон ўзининг ҳарбий сафарларида ҳам узлуксиз ободончилик ишлари билан машғул бўлган. Бундай фаол ҳамда савоб фаолиятнинг замирида даставвал Амир Темур шахсиятига мансуб энг яхши фазилат ва энг муҳими, жамият маънавияти асосидаги давлат сиёсатининг ҳаётбахш қудрати, тинчлик, осойишталик, яратувчанлик, ободончилик каби ғоялари ётар эди.

Анвар ОЛИМОВ

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари
университети, тарих фанлари номзоди

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрлар Ватанимиз тарихида муҳим босқич ҳисобланади, чунки бу даврда мўғуллар ҳукумронлиги бартараф этилиб, мамлакатда кўпдан бери ҳукумронлик қилиб келаётган феодал тарқоқликка барҳам берилди. Қарийб бир ярим асрлик парокандалик, иқтисодий қолоқлик, маданий-маърифий турғунлик ҳолатига тушиб қолган юртимиз ўз мустақиллигини қайта тиклашга тутинди. Бу ишга ҳазрат соҳибқирон Амир Темур бошчилик қилди. У марказлашган, кучли ва мустақил давлатга асос солди¹.

¹ Бўрибой Аҳмедов. «Амир Темур» (тарихий роман). Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1995 й. 577-бет.

Темур салтанати ўзининг бошқарув тизимлари билан Туркистон давлатчилигининг асрий анъаналари давоми бўлиб, ўша давр мамлакатларининг бир қатор янги тартиб ва қоидалари билан янада такомиллаштирилган эди. Жумладан, қўшин тузилишида ҳам бу ҳол ўз ифодасини топди.

Қўшин давлатнинг асосий таянчларидан бири бўлгани учун Амир Темур унга катта аҳамият берди. У ўз армиясини ҳарбий жиҳатдан такомиллаштирар экан, қўшин бошлиқларини танлаш, тарбиялаш, ўрнига қўйиш, ҳарбий қисмларни жойлаштириш, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизоми масалаларига алоҳида эътибор берган. Унинг қўшини асосан фақат уруш пайтида тўпландиган лашкардан иборат бўлиб, туман, минглик, юзлик, ўнликлардан ташкил топган. Туманларда аскарларнинг сони 10 минг, қўшинда 100 минг нафардан ортиқ бўлган. Темур ўн минглик лашкарни бошқариш учун «туман оғаси», минглик бўлинмалар учун «мирихазор», юзликлар учун «қўшинбоши», ўнликлар учун эса «айлбоши» каби ҳарбий мансабларни таъсис этган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, оладиган ойлик маоши белгилаб қўйилган. Масалан, оддий сипоҳий минган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар 2—4 от баробарида, айлбоши қарамоғидаги навкарга нисбатан ўн баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар кўп маош олган. Мингбошиларнинг маоши қўшинбошиникидан уч баробар ортиқ бўлган. Жангларда баҳодирлик кўрсатиб, ғалаба қозongan амир учун алоҳида инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, қайси бир амир бирон душман қўшинини енгса, ёки вилоят фатҳ этса, у туғ, ногора, баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи ҳамда бирон сарҳаднинг ноиблиги билан тақдирланган.

Амир Темур қўшинида ҳарбий унвонлар одатда оддий ўнлик тартиби бўйича юқорилашиб борган: ўнбоши, юзбоши, мингбоши, туманбоши. Булардан юқорилари амир, беклар беги, амир ул-умаро унвонлари бўлган. Амирлар ўз ҳарбий қобилиятларига кўра биринчи даражадан — еттинчи даражагача, беклар беги — саккизинчи даражадан — ўн биринчи даражагача, амир ул-умаро ноиби — ўн иккинчи юқори ҳарбий даражага эга бўлган¹.

Амирлик мартабаси Амир Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содиқ бўлган 313 кишига берилган. Булардан биттаси «амир ул-умаро», тўрттаси «беклар беги», юзтадан мингбоши, юзбоши, ўнбоши бўлган. Булардан ташқари, яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн

¹ Абдулаҳад Муҳаммаджонов. «Темур ва темурийлар салтанати» (тарихий очерк). «Қомуслар бош таҳририяти», Тошкент, 1996, 31-бет.

иккинчи даражали амирлик унвонлари берилган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ноғора, ўн минглик қўшин туғ ва чортуғ, тўрт нафар беклар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берилган.

Бу нишонлар қўшин бўлинмаларини бир-биридан фарқлаб турган. Масалан, катта қизил байроқ қўшин бошлиғи бўлмиш амир ул-умаро, ёки беклар бегига тегишли бўлган. Ог ёли боғланган найзали узун туғ туман оғасининг, икки томонга қокиллари осилган икки дўл ноғора юз бошига тегишли бўлган¹.

Ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камон билан ўттиз ўқли садоқ, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта захира оти, ҳар бир ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккитадан белкурак, юзта игна, арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт бўлган.

Қўшинда тош отувчи, мустаҳкам девор ва истеҳкомларни бузувчи, ўқ отувчи машиналарни ишлата биладиган одамларни ўтроқ аҳоли етказиб берган.

Ҳарбий юришлар пайтида йўлларда ўрдугоҳ — қароргоҳ қуриб тўхташга тўғри келган. Агар ўрдугоҳ душманга яқинроқ жойда ўринлашган бўлса, унинг атрофи мудофаа иншоотлари: «туралар» (четан тўсиқлар) хандақлар, «чоҳпар» — чуқур ўралар ва «қочи»-марзалар билан ўраб олинган. Қўшиннинг изофа қисмлари қўмондон қароргоҳни қўриқлаб турган. Жанг вақтида улар ўз навбатида зарур бўлган жойларда урушга солинган. Қанбуллар эса душманнинг ўнг ёки чап қанотини ёриб киришга, ён томонларидан айланиб ўтиб, орқадан зарба беришга йўл қўймасликка ҳаракат қилган.

Қўшинда пиёда аскрлар алоҳида мавқега эга бўлганлар. Жанговар сафга тизилган пиёда қисмлар отлиқлардан олдинда туриб, душман ҳужум қилган вақтда чоҳпар ва туралар — мудофаа иншоотлари орқасида яширинган ҳолда биринчи бўлиб жангга кирганлар.

Амир Темура аскар ва уларнинг бошлиқларига алоҳида эътибор берган. Ҳар бир зобит жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз ҳисобланган.

Ҳар бир оддий аскар ва навкарлар ҳарбий низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда аёвсиз ва довурак бўлиши, шароитга қараб айрим пайтда ўз душманига нисбатан адолатли бўлиши ҳам талаб этилган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан вақтда, интизомга қаттиқ риоя қилинган.

Сафарда энг олдинда ҳар бир қўшин қисмлари билан

¹ Ўша китоб, 30-бет.

«хабаргирий», яъни «хабарчилар» деб аталган «кузатувчилар» (разведкачилар) бўлинмаси юрган. Уларнинг орқасидан соқчилар бўлинмаси йўлланган. Бу ясовул деб аталган. Қўшин олдида «манглай» — авангард қисмлар ҳаракатда бўлган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва марказий қисм «қалб» ва унинг атрофида захира қисмлар жойлашган бўлиб, у изофа деб юритилган. Уруш жарёнида жанг оқибатини ана шу изофа қисмлар ҳал қилган. Юриш вақтида қўшинлар алоҳида йўл бошловчилар «ғажарчилар» гуруҳи бўлиб, сафарда уларнинг муҳим ўрни бўлган. Темур қўшинининг асосий жанговар қисми марказ — «қалб», ўнг ва сўл қанотлардан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида биттадан қўшимча қўриқчи манглай — авангарди, ён томонида эса биттадан қўриқчи қўшилмалар — «қанбул»лари бўлган.

Шундай қилиб, қўшин етти қисм — қўллардан иборат бўлиб, булардан учтаси — марказ, тўрттаси — икки манглай ва икки қанбуллар тобеъ қисмлар ҳисобланганлар.

Шу тариқа ҳазрат соҳибқирон Амир Темур замонасининг энг кучли ва энг жанговар қўшинига асос солган эди. Темур қўшинлари ўз даврида бутун Осиёда қудратли армия ҳисобланган.

Ҳарбий тарих Амир Темурни ўрта асрнинг энг йирик саркардаларидан деб ҳисоблайди. Унинг ҳарбий маҳорати икки йўналишда — аскарӣ қисмларни қайта ташкил этишда ва лашкарбоши — қўмондонликда намоён бўлди. Унинг ҳарбий истеъдоди, саркардалиқ маҳорати Олтин ўрда хони Тўхтамиш, Деҳли султони Султон Маҳмуд ва ўша даврдаги Туркия ҳукмдори Боязид Йилдиримлар устидан қозонилган ғалабалар мисолида яққол кўзга ташланди.

Амир Темур ҳарбий стратегияси ва тактикаси ҳозирга қадар дунё академияларида ўрганилаётган буюк лашкарбоши ва давлат арбобидир.

Санжар ФУЛОМОВ

ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти,
тарих фанлари номзоди

ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ДИПЛОМАТИК ВА САВДО АЛОҚАЛАРИГА ДОИР

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг хорижий мамлакатлар билан олиб борган дипломатик алоқаларига доир кўплаб маълумотлар мавжудки, уларни кўздан кечирар эканмиз, Шарқ ва Ғарб давлатлари билан олиб борилган

серқирра муносабатлардаги ҳазрат соҳибқироннинг дипломатик маҳорати яққол намоён бўлади.

Унинг бу маҳорати марказлашган давлатни тузиш ва мустақамлаш йўлидаги кураши йилларидан бошлаб сайқал топиб келди. Катта бир ҳудудда парокандалик, кичик ҳукмрон доиралар аро уруш-талашлар авжига чиққан сунонли йилларда ҳокимиятга эришиш учун фақатгина кучнинг ўзи кифоя қилмаслигини чуқур англаган Амир Темур, барча сиёсий муаммоларни ҳал этишда дипломатияни ишга солди. Мўғулистон хони Туғлуқ Темур (1348—1363)нинг Мовароуннаҳр сари юриши (1360 й.) пайтида Темурнинг Ҳожи барлос билан бўлган суҳбати, унинг Туғлуқ Темур билан учрашуви, Амир Ҳусайн билан иттифокнинг юзага келиши воқеаларини эслайлик. Дабдурустан қурол эмас, балки сиёсий муомала билан амалга оширилган бундай тadbирлар келгусида Амир Темур учун ўз мевасини берди. Мамлакатни марказлашган ҳокимият остида бирлаштиришни уддалаган ҳазрат соҳибқирон олдида эндиликда давлатнинг катта сиёсий майдондаги макъени мустақамлаб бориш масаласи турар эди. XIV асрнинг охирларига келиб Олтин ўрда, Миср мамлуклари, Усмонийлар Туркияси, Ғарбий Европа давлатлари ва Хитой халқаро сиёсий майдоннинг нуфузли вакилларига айланган эдилар.

Тарихий манбаъларга мурожаат этилганда мазкур даврда юз берган воқеаларнинг қуйидаги манзараси намоён бўлади:

Олтин ўрда хони Фиёсиддин Тўхтамиш (778/1376—797/1395) Амир Темур билан бўлган жангларда бирин-кетин мағлубиятларга учрагандан кейин, ўзига иттифокдош ҳукмдорларни топиш тадоригини кўра бошлаган эди. Кўп ўтмай у Мамлуклар давлати (Миср) билан сиёсий муносабатларни ўрнатишга муваффақ бўлди.¹ Тез орада йўлга қўйилган бу алоқанинг сабаби шунда эдики, Мамлуклар султони аз-Зоҳир Сайфиддин Барқуқ (792/1390—801/1399)нинг ўзи ҳам Амир Темур билан ёзишмалар олиб бораётган, муносабатлари эса тобора кескинлашиб кетаётган эди. Амир Темур томонидан Арзирум² шаҳари яқинидаги Авник қалъасига ҳукмдор этиб тайинланган Отламиш қавчин исмли шахсни Озарбайжонда ҳукмронлик қилаётган Қорақўюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф (791/1389—823/1420) жанглардан бирида асир олиб уни Мамлуклар саройига жўнатиб юборган эди³. Амир Темур билан Миср султонлари

¹ Закиров С. Дипломатические отношения Золотой Орде с Египтом. М. 1966. 95-стр.

² Арзирум — Туркиянинг Шимолий-шарқда жойлашган шаҳар.

³ Навоий Абулхусайн. Аснод ва макотиботи тарихийи Ирон, Техрон. 1963. 107-б.

ўртасида йигирма мартадан ортиқ мактублар айрбошланган бўлиб, уларнинг деярли барчасида мазкур Отламишни озод этилиши масаласи кўтарилган эди¹. Мамлук султонлари Амир Темурнинг мактубларига қўрслик билан жавоб берибгина қолмай, балки Темурнинг элчиларини жазога ҳам тортар эдилар. Аҳвол шундай бўлиб турган шароитда Темурнинг галабаларини кузатиб турган Мамлук султонлари учун Тўхтамишхондек иттифоқчининг пайдо бўлиши айтиш мумкин.

X

Яна бир томонда Усманийлар давлатининг нуфузи кун сайин ортиб борарди. Византия императори Мануил Палеологнинг Европа давлатларидан ёрдам олиш умиди ҳам пучга чиқди, чунки Болгариянинг Никополь шаҳри яқинида 1396 йилги жангда салбчиларнинг катта қўшини Усманийлардан мағлубиятга учрагандан кейин Европа қиролларининг ўзлари қаттиқ хавотирга тушиб қолган эдилар.

Шундай вазиятда Темур давлати ва Усманийлар давлати ўртасида олиб борилган муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади. Ироқи араб ҳокими Султон Аҳмад жалоир (784/1382—813/1410) ва Қора Юсуф Темур лашкари билан бўлган жангда енгилгач, қочиб бориб Усманийлар саройидан паноҳ топадилар. Амир Темур ва Усманийлар султони Боязид Йилдирим (791/1389—805/1402) ораларида кўп вақт ҳар икки томонга элчилар қатнаб турдилар, мактублар алмашинди. Аниқроғи, Амир Темурнинг олти мактуби ва Боязид Йилдиримнинг тўрт мактубининг нусхалари бизгача етиб келган. Мазкур ёзма мулоқотлар Амир Темурнинг мурожаати билан бошланган. Уларда ҳазрат соҳибқирон султон Аҳмад жалоир билан Қора Юсуф иккисини қароқчилик ва йўлтўсарликда айблаб, уларни тутиб бериш ёки мамлакатдан бадарға этиши Усманийлар султонидан талаб қилган. Султон бу талабни камситув тариқасида қабул қилади ва Амир Темурга ўта кўрс бир оҳангда жавоб йўллайди.

Султон Барқуқ ва Тўхтамишхон ораларидаги келишув энди Боязид Йилдиримнинг иштирокида учлик иттифоқига айланади. Лекин бу иттифоқ узоқ давом этмади. 1395 йилдаги Тўхтамишхоннинг мағлубияти 1399 йилда Султон Барқуқ вафот этгандан сўнг барҳам топди. Амир Темур ва Боязид Йилдирим ораларида элчилар қатнаб тургани ва орадаги муносабатларни яхшилашга қаратилган уринишларга қарамай натижа 1402 йилда Анқара жанги билан якунланди.

¹ Хасанов А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV-начале XV вв. Сборник научных трудов ТашГУ. 1981. 128-стр.

Анқара жанги натижаларидан чексиз мамнуният Европа қиролларининг мактубларидан якқол намоён бўлади. Амир Темурнинг Европа давлатлари ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмаларининг кўпчилиги Анқара жангидан кейинги даврга оиддир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темурнинг Византия муваққат императори Иоанн Палеологга йўллаган мактубининг италян тилидаги таржимаси бизнинг давргача етиб келган. Қолаверса, ўша даврнинг энг катта жангларидан бўлган ва Европанинг тақдирини учун катта аҳамиятга эга бўлган мазкур жангдан олдин ҳам Европа қироллари билан Амир Темур ораларида мулоқотлар олиб борилган. Зотан Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллаган биринчи мактубидаги «...бу мамлакатга роҳиб Франциск ташриф буюрди ва қирол мактубини етказди...» сўзларидан бу якқол кўриниб туради¹. Англия қироли Генрих IV нинг мактуби ва Амир Темурнинг Испания қироли Энрике IIIга йўллаган мактубларининг диққат марказида ҳам Анқара жанги масаласи туради.

Биз юқорида келтирган мулоқотларда сиёсий масалалар билан бир қаторда савдо-иқтисодий алоқаларга ҳам диққат-эътибор ажратилган. Европа қироллари билан олиб борилган ва албатта бизгача етиб келган ёзишмаларнинг барчасида ҳар икки мамлакат ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйиш, тожирлар қатнови учун имкониятлар яратиш масалалари кўтарилади. Маълумки, Амир Темур давлатида савдо-иқтисодий алоқалар соҳасига алоҳида эътибор берилган. Бу унинг ўз давлати ҳудудида амалга оширилган тадбирлари, савдо йўлларига қилган аҳамияти ва хориж ҳукмдорлари билан ёзишмаларида савдо муносабатларини йўлга қўйиш каби таклифларидан кўриниб туради.

Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сига Хофизибру қилган «Илова» («Ҳазрат соҳибқироннинг Озарбайжон ва Ироқи Ажам мамлакатларини амирзода Умарга берилганлиги баёнида» қисмида) Амир Темурнинг мазкур амирзодага қилган давлат бошқарувида зарур бўлган бир қанча хусуслар қаторида қўйидаги насиҳатлари келтирилган. «...Йўлларни кўриқлашда имкони борича ҳаракат қилсин ва уларни муҳофаза қилишни мамлакатни идора этмоқ шартларидан бири деб билсин. Савдогарлар ва йўловчиларнинг дилларига озор етишига асло йўл қўйилмасин»². Ушбу мисолдан Амир Темурнинг ўз мамлакатада тинчликни таъминлаш, савдо ва элчилар қарвонларининг тинч ва эркин ҳаракатларини таъминлаш борасидаги ўйлари кўриниб туради.

¹ Умняков И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Труды УзГУ. № 61. 188-стр.

² Низомиддин Шомий. Зафарнома. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев. Т. 1996. 383-б.

Султониядаги Ватикан вакили архиепископ Иоанн ўзининг «Memoire sur Tamerlan et sa cour» («Темур ҳақида хотиралар») асарининг «Темурбек ҳокимияти остидаги ҳудуд ва шаҳарларда ўрнатилган тартиблар» деган ўн тўққизинчи бобида шундай дейилади: «...У Амир Темур мамнуният билан хорижий савдогарлар билан мулоқот қилади, уларга ҳомийлик кўрсатади, ёрдам беради. Айниқса мамлакат ҳудудида насронийлар ва фарангларнинг хавфсизлигини таъминлаб туради. Кўпгина ерларда қонунсиз олинаётган бож ва солиқларни бекор қилди... У савдогарлар хавфсизлигини кагта тadbиркорлик билан таъминлади. Агар, мамлакатининг қайси ерида бўлишидан қатъий назар, бирор савдогарнинг моли ғорат қилинишига йўл қўйилса, шу ер ҳокими савдогарга таланган молининг икки баробар қилиб, Темур хазинасига эса беш баробарини жарима тариқасида тўлаши лозим эди. Бу фармон ижросини назорат қилиш бўйича барча ерларга мансабдор шахсларни тайинлаб, адолатни барқарор этиб турди...» Мазкур асарнинг Темурбекнинг дини ва эътиқоди деган йигирма иккинчи бобида қуйидаги сатрларга рўбарў келамиз: «У мухожирларга илтифот кўрсатади; насронийлар, айниқса, фарангийларга нисбатан зўравонлик қилинишига йўл қўймайди; у ўз мамлакатада уларни бемалол кун кечиришларини таъминлаган ва уларга у ердаги қонунлардан фойдаланишга, ибодатхоналар қуришга ва айниқса, савдогарларга хизматларини худди насроний халқлариникидек адо этишларига имкон берди...»¹

Тарихчи И. Умняков узининг «Малоизвестный французский источник о Тимуре» деган мақоласида ёзишича, архиепископ Иоанн томонидан 1404 йилда ёзилган «*Libellus de notitia orbis*» («Дунёни билишда маълумотнома китоби») асари мавжуд бўлиб, бу китоб ўз вақтида савдогарлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган². Шундан ҳам Шарқ ва Ғарб орасидаги савдо йўлларида Темур давлати қанчалар зўр аҳамият берганлигини кўришимиз мумкин. Хитойдан тортиб то Европага қадар чўзилган карвон йўлларида озоишталикни таъминлаш ҳаракати хатто кичик бир ҳужжатда ҳам ўз аксини топган. Ҳиндистон сафаридан қайтиш тарадудини кўраётган ҳазрат соҳибқирон Шерозга, амирзода Пирмуҳаммадга Деҳли ҳақида бир ёрлиқ йўллаган. Ушбу ёрлиқда Ҳиндистон сари юришнинг сабаблари қаторида қуйидагилар ҳам келтирилади: «...Бизнинг улуғ хотирамизга, етказилган хабарларга қараганда марҳум султон Ферузош ҳақ даъватига ижобат этгач, яъни вафот топгач,

¹ Умняков И. Малоизвестный французский источник о Тимуре. Труды СамГУ. Самарканд. 1960. Вып. № 101. 194—197-66.

² Умняков И. Айни мақола. 174-6.

зархарит қуллари Деҳли ва ислом диёрига таалукли бошқа жойларни унинг фарзандиларига бермасдан, гораггарлик ва талон-тарожни ўзларига шиор қилиб, тожирларнинг келишиб-кетиши эшикларини беркитиб, қароқчилкни чунон авж олдирибдиларки, харобгарчилик қилиш имкони бўлган бирор дақиқани бекор ўтказмас эканлар».

Биз сўз юритаётган мавзу бўйича Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундаликлари»¹ муҳим манба вазифасини ўтайди. Асарнинг моҳияти шундаки, муаллиф Темур давлати ва унинг ҳокимияти остига ўтган сарҳадлардаги элчиларга йўлларда туғдирилган қулайликлар ва саройда кўрсатилган илтифотлар — қабул маросимлари, дипломатик церемониал ва этикет масалалари, умуман, қабул қилинган тартиб қоидалар борасида батафсил ҳикоя қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Амир Темур хорижий мамлакатлар, хусусан Европа мамлакатлари билан дипломатик муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор берган ва бу соҳа тақозо этувчи барча шарт-шароитларни саройда ва ўз ҳокимияти остида бўлган барча ҳудудларда жорий этган. Ҳазрат соҳибқирон ўз саройига ташриф буюраётган элчиларнинг барча сифатларига ниҳоятда синчиковлик билан эътибор берган ва албатта ўзи йўллаётган элчининг ҳам ҳар томонлама мукамал бўлишлигини талаб қилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, муҳим тарафи шундаки, у олиб борган ёзишмалар кенг географик ҳудудни қамраб олади. Албатта, ушбу мактаблар гўзал мазмун ва шаклда битилиши талаб қилинган. Бу билан саройда махсус девон (девони расоил) шуғулланган. Элчиларнинг ташрифотлари чоғида уларга яратиладиган қулайликлар, қабул маросимларини ташкил этишдан тортиб то мамлакат чегараларига қадар кузатиб қўйиш учун масъул хизмат фаолият кўрсатган. Ниҳоят элчининг дахлсизлиги — дипломатик иммунитет масаласига катта эътибор берилган. Ҳазрат соҳибқирон элчилик билан боғлиқ бирор тadbирга киришар экан, «элчига ўлим йўқ» тартибига амал қиларди. Амир Темур элчи қандай бир хабар олиб боришидан қатъий назар, хоҳ у хуш, хоҳ нохуш бўлсин, бунда элчини айблашни ноҳақлик деб ҳисоблаган.

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406). Пер., предисл. и коммент. И. С. Мироковой. М. 1990.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА АЁЛЛАРНИНГ МАВҚЕИ ВА ЎРНИ

Шарқда жуда қадим замонлардан буён аёллар эъзозланиб келади. Кўҳна мозийдан хабар берувчи тарихларни варақлар эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида аёллар эркаклар билан бир қаторда катта жасорат соҳибаси сифатида номлари тилга олиниб келинганига гувоҳ бўламиз.

Ислом шароитида ҳам аёллар алоҳида ўрин тутганлар. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Аёлларни эъзозланг, уларга ҳайвонга қилингандек муомала қилманг. Ёдингизда бўлсин, жаннат оналар оёғи остидадир», — деб марҳамат қилган эканлар. Шунингдек, ул зот хотин-қизларни иззат қилиш, уларга ғамхўр бўлиш, уларни илмли, маърифатли қилиш ҳақида такрор-такрор даъват қилганлар. «Дунёда тўрт буюк аёлнинг шуҳрати сўнмасдир», — деб марҳамат қилганлар улар. Уларнинг биринчиси Асия — Мусо пайғамбар даврида ўтган фиръавннинг хотини. Бу аёл Мусони қақалоқлигида ўлимдан сақлаб қолган. Иккинчи аёл — Исо пайғамбарнинг оналари Марям. Учинчи аёл — Исломни биринчи бўлиб қабул қилган, пайғамбаримизнинг завжаи муҳтарамалари — Хадичаи Кубародир. Тўртинчиси эса пайғамбар авлодини давом эттирган ўз қизлари Биби Фотимадир.

Дарҳақиқат, Шарқда ҳукмрон бўлган сулолалар тарихида ҳам аёлларнинг мавқеи юксак бўлган. Жумладан, Амир Темур салтанатида аёлларга бўлган ишонч, ҳурмат ва эътиқод ўзининг эътиборга лойиқ ифодасини топган. Соҳибқирон Амир Темур ўзининг севиқли завжаси Сарой Мулк хоним (1341—1408) учун «Дилкушо», Туман Оғо бегим номи билан (1366 й. туғилган) «Боғи Беҳишт», Таваккал Оғо бегимга «Боғи Жаҳоноро» номли боғларни барпо эттирган. Мазкур анъана Темурийлар салтанатида давом этади. Чунончи, Шоҳруҳ Мирзонинг (1377—1447) оқида хотини — Гавҳаршод бегим (1379—1457), Халил Султон Мирзонинг (1384—1411) онаси — Хонзода бегим (вафоти 1411 й.), Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1438—1506) хотини — Хадича бегим (1451—1511), Умар Шайх Мирзонинг (1456—1494) тўнғич қизи — Хонзода бегим (1478—1544), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг (1483—1530) қизи — Гулбадан бегим (1523—1603), Шоҳ Жаҳонгирнинг (1569—1627)

суюкли хотини — Нуржаҳон (Меҳринисо) бегим (1577—1645), Шоҳ Жаҳоннинг (1592—1666) севикли хотини — Мумтоз Маҳал (Аржуманд бону) бегим (1594—1631), Шоҳ Жаҳоннинг қизи — Жаҳоноро бегим (1614—1681), Аврангзеб Оламгирнинг (1618—1707) қизи — Зебуннисо бегимлар (1639—1702) ана шундай юксак мавқега эга бўлган аёллар жумласидандир. Мисол учун Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг сўнгги вақтларда уйланган хотини Афғоний Оғача бўлиб, у Малик Мансур Юсуфзайнинг қизи эди. Афғоний Оғачанинг асл номи Биби Муборакадир. Афғонистон ва Покистон чегарасига жойлашган Субаи Сарҳад номли вилоятдаги паштунларнинг фолклор асарларида Бобур номи алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Айниқса Юсуфзай қабиласи орасида «Бобуршоҳ ва Биби Муборака» номли афсона қадимдан ҳикоя қилиниб келинади. Мазкур асарда нақл қилинишича, ёз кунларининг бирида Бобуршоҳ оддий дарвеш либосида тўсатдан Юсуфзай қабиласи орасида пайдо бўлади. У тоғ ёнбағридан оқиб чиқаётган булоқдан кўзачада сув олаётган қизга ногаҳон рўпара келиб қолади. «Дарвеш» билан тоғ малаги ўртасида пок ва оташин муҳаббат пайдо бўлади. Паштун малагининг чиройига маҳлиё бўлган «дарвеш», эртасига унинг ота-онаси хузурига совчи юборади. Бу малак Биби Муборака эди.

Шундан сўнг, Бобуршоҳ билан Биби Мубораканинг тўйлари бўлади. Кейинчалик Бобуршоҳ Биби Муборакани ўзи билан бирга Ҳиндистонга олиб кетади. Афғонистонлик Абулҳай Ҳабибийнинг ёзишича, Бобуршоҳ билан Биби Мубораканинг никоҳи 1516 йилда бўлган. Биби Муборака Юсуфзай қавмидан Шоҳ Мансур Божавурийнинг қизи бўлган. «Ҳумоюннома» асарининг муаллифи Гулбадан бегим ўз асарида Биби Муборакани — Афғоний Оғача деб тилга олади.

1530 йил декабрда Бобуршоҳ Аграда вафот этгач, тахта унинг катта ўғли Ҳумоюншоҳ ўтиради. Аммо, тез фурсатда мамлакат тахтига даъвогарлар кўпайиб, Ҳумоюншоҳ салтанати ожизланиб, пировард натижада ҳокимият қўлдан кетади. Ҳумоюншоҳ дарбадарликка маҳкум этилиб, Эрон шоҳи Таҳмасп I дан паноҳ ва қўмак истаб Табризга боради. Мамлакатни эса афғон зодагонлардан бири Шерхон Сурий (вафоти 1545) эгаллаб, ўзини шимолий Ҳиндистон ҳукмдори Шершоҳ Сурий деб эълон қилади. Ана шундай сиёсий беқарорлик вазиятда, яъни Шершоҳ замонасида Биби Муборака Шершоҳ Сурийдан рухсат олиб, Аграга дафн этилган эри Бобуршоҳнинг васиятига кўра, унинг ҳокими Қобулга олиб боради ва Бобуршоҳнинг ўзи барпо этган «Боғи вафо»га дафн эттиради. Сўнгра у яна Ҳиндистонга қайтиб бориб, то Акбаршоҳ замонасигача ҳаёт бўлган. Биби Муборака Бобуршоҳдан фарзанд кўрмаган.

Тарихдан маълумки, Шарқ аёллари ўз ватанига, халқига, оиласига ҳамиша садоқат билан хизмат қилиб, фидойилик намуналарини кўрсатиб келган.

Омонилло БЎРИЕВ

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти,
тарих фанлари номзоди

АМИР ТЕМУР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЁЗМА МАНБАЛАРНИНГ РОЛИ

Соҳибқирон Амир Темурнинг XIV—XV асрларда марказлашган давлат барпо этганлиги фақат Марказий Осиё тарихида буюк воқеа бўлибгина қолмай, балки жаҳон тарихидан ҳам яхши маълум. Бу муҳим одамшумул воқеа ўша даврда битилган ёзма манбаларда ҳам ўз аксини топган ва улар ҳозирги илмий тадқиқотлар учун муҳим материал бўлиб саналади. Амир Темурнинг давлатчилиқ фаолияти ҳақида маълумот берувчи манбалар ичида энг муҳими — бу махсус ёзилган Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг «Зафарнома», Ҳофизӣ Абрӯнинг «Зубдат ут-таворих» каби тарихий асарлардир.

Амир Темур давлатининг халқаро муносабатлари, хусусан, унинг бошқа мамлакат, масалан, Миср, Эрон, Рум, Олтин ўрда ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмалари ҳам муҳим манба бўла олади.

Амир Темур томонидан чиқарилган фармонлар ва ёрлиқлар ҳам давлатчилигимизнинг маъмурий — ҳудудий, ҳўжалик ва маданий-маърифий соҳаларга оид йўналишлари тарихидан муҳим маълумот беради. Шунингдек, Темурий шаҳзодаларга ажратилган суюрғоллар ҳақида берилган фармонлар, хожа Аҳмад Яссавий мақбараси хусусидаги вақфнома ва б.қ.нинг манба сифатидаги ўрни каттадир.

Ёзма манбалар ичида Амир Темур давридаги айрим саёҳатномалар ҳам, Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга саёҳати, Хитой императори ҳузуридан келган элчиларнинг ҳисоботлари ҳам муҳим ўрин тутadi. Саёҳатномалар кундалик шаклида ёзилган бўлиб, уларда сайёҳнинг ўз мушоҳадalари ва баъзан аниқ маъсул шахслардан сўраб билганлари қайдга олинган. Демак, бундай манбаларда тарихий воқелик анча тўғри акс эттирилган, боз устига четдан келган одамнинг мулоҳазалари сифатида муҳим аҳамият касб этади.

XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида ёзилган бошқа турли мавзулардаги ёзма асарлардан ҳам ҳазрат соҳибқироннинг давлатчилиқ фаолияти хусусида озми-кўми маълумот олиш мумкин. Жумладан, тасаввуфга оид асар-

ларда ўша давр маънавий ҳаёти тўғрисида кўп фактлар келтирилган.

Ниҳоят, ёзма манбаларнинг яна бир тури — бу Амир Темур даври моддий ёдгорликлари, яъни турли обидалар ва қабртошларда битилган китобалар, танга — пулларда зарб этилган ёзувлар бўлиб, уларнинг бир қисми бизнинг замонамизгача етиб келган. Бу ёдгорликларни ўша даврдаги асосий тарихий асарлар билан қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамиятга моликдир. Масалан, Амир Темурнинг аждодлари шажараси Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг «Муқаддима» қисмида ҳамда Ғури Амирдаги қабр тошлардаги китобаларда берилган ва уларни қиёслганда айнан бир хил эканлигини маълум бўлди.

Музаффар АХМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши Академияси

ХОНДАМИРНИНГ ҲИНДИСТОН ТАРИХИГА ОИД ҚИММАТЛИ АСАРИ

Бу асар, 1530—33 йиллар орасида Бобурийлар ҳукмронлиги йиллари ёзилган бўлиб, машҳур тарихшунос олим Ҳумомиддин ибн Ғиёсиддин Хондамир қаламига мансубдир. Асар номи «Ҳумоюннома» ёки «Қонуни Ҳумоюнӣ» деб аталади. Лекин уни Гулбадан бегимнинг «Ҳумоюннома» асари билан адаштириб юбормаслик керак. Тўғри улар нафақат номи билан ўхшаб кетади, лекин улар мазмун жиҳатдан томонан бошқа-бошқа асарлардир.

Хондамирнинг «Ҳумоюннома» асари Бобуршоҳнинг тўнғич ўғли Ҳумоюн Мирзонинг салтанатни қандай бошқарилиши тўғрисида, аниқроғи унинг давлатни бошқариш тартибларини ислоҳ қилиш йўлидаги тадбир ва ислохотларини баён қилади. Асар саккиз қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм, ўрта асрларда ёзилган барча тарихий асарларга хос ислом анъаналаридан келиб чиқиб ёзилган. Асар бошида бутун мавжудотни яратган Тангри таоло эканлиги алоҳида қайд этилади, Пайғамбарларни, буюк алломаларни, подшоҳларни ҳам яратган фақат ягона Худодир, дейилади. «Қонуни Ҳумоюнӣ» асарининг иккинчи қисмида Бобуршоҳнинг вафоти (1530 й.)дан кейин, ўғли Ҳумоюннинг тахтга ўлтириш маросими, унинг ўз номига пул (тангалар) зарб эттиргани ва ўз номига хутба ўқиттиргани, олтин тангалар сочқи эттириш маросими ҳамда янги подшоҳнинг зироатчилар ва хунармандчиларни ҳар турли солиқ ва тўловлардан озод этиб сийлагани тўғрисида ҳам гап боради. Асарнинг қолган 6 қисми, юқорида эслатиб

ўтганимиздек, Ҳумоюн подшоҳнинг ўз давлатида янги ислохотлар ўтказгани, унинг бунёдкор фаолияти ҳақида сўзланади. Бу ерда янги подшоҳнинг қадимги фалсафа, астрология ва бошқа илмлар билимдони эканлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, асарда Бобурийларга замондош бўлган кўплаб машҳур олиму фузало, шоиру адабиётшуносларнинг шеърлари, қитъа ҳамда маснавийларидан намуналар келтирилган.

Асарнинг қиймати ва аҳамиятини қуйидаги парчалардан ҳам кўrsa бўлади.

Биринчи парча:

«Бахтиёр ноибларнинг бу борада кўрган ғаройиботларидан бири шулки, Сулаймон ҳашаматли, фирдавс маол, давлат ва иқбол соҳиби подшоҳ ўша йили (1530 йй.) Қобулда Қандаҳор сари шитоб билан борар (Аъло ҳазрат подшоҳ) Салтанат ва истиқлол осмонининг безагини қуёшини мулку молнинг муҳим ишлари тадорики учун Қобулда қолдирган эдилар. Бир куни он ҳазрат Нохид сиёқли отга миниб дашту тоғ, бўстону чаманзорлар атрофини сайр қилардилар. Йўл асносида саодатли хотираларига бир фикр келиб, жаноби маолий паноҳ мавлоно Масиҳиддин¹ Рухуллоҳникига, лутфу карам мазҳарига устодлик шарафига хос, ул зотнинг фозиллари хилъатининг безагини қорлаган эдилар, дедилар: файз осор кўнгилга шундай фикр келдики, шу тариқат пешволаридан уч нафар кишининг номини айтиб, фол очтирамиз». Ул жаноб дедиларки номини сўраётганда бир киши билан кифояланиш муносиб кўринади. Ул ҳазрат ўз йўлларига собит эдилар. Бироз йўл юргач, ўттиз ёшлардаги бир кишига дуч келдилар. Ундан «исмингиз нима»? деб сўралганда, у жавоб берди: «Мурод хожа». Эшакка ўтин ортиб келаётган иккинчи бир кишига яқин келиб, исмини сўрадилар. «Давлатхожа», деб жавоб берди. Подшоҳи шахриёрнинг илҳом баёт тилларига шундай калима келди. Агар шу келаётган шахснинг исми «Саодатхожа» бўлса таҳсинга лойиқ ғаройиб (иш) бўларди; (чунки) мурод юлдузи бахтли фолдир... давлат офтоби чиқиши тайин. Ўша дамда бир неча сигирни ўтлатиб юрган бир йигит кўзга чалинди. Ундан «исмингиз нима»? деб сўраганларида у «Саодатхожа» деди. Шунда олий мавкаб мулозимлари бу бахтли тасодифдан таажжуб ва ҳайратга тушдилар. Ҳамманинг наздида шу нарса аниқ бўлдики, ул ҳумоюн фол подшоҳ тез фаҳмлиги, азалий саодат қаринлиги, ақсо мартабали давлату иқболи зиёда бўлгай, азалий иноятли қўллари, диний ва дунёвий мақсадлар дарвозалари ул зотнинг саодатли рўзғори юзига очилгай! Шун-

¹ Мавлоно Масиҳиддин Рухуллоҳ — Ҳумоюншоҳ хизматига бўлган стук олим, тақводор инсон.

га кўра, ушбу фурсатдаки, ул мужоҳид ғозий подшоҳ вужудига бахт-тахт ва сарфарозлиги осмон мартабасига эришди, Сидра¹ мартабали остонанинг жамий мулозимлари Тангри паноҳидаги мамлакатлардаги барча ватандошларни уч қисмга бўладилар: Биродарлар, яқинлар, амирлар, вазирлар ва муносиб сипоҳийларни «Аҳли давлат» деб атадилар, зероки закийлар кўнглига равшан ва пойдордирки «Мулкдорлик эр кишиларсиз бўлмайди»,² калимасига кўра, бу шижоатли тоифанинг мададсиз давлату иқболнинг ривожи ва юксалиши муяссар бўлмагай. Салтанат ва истиқлол тараққиётида ботир шахслар ёрдами зарурдир.

Назм:

Султонлар хайлу ҳашам ёрдамида,
Давлат тахти узра қўйганлар қадам.
Давлату саломатликни киши топа олур,
Қачонки унга бирор лашкар мадад берганда.

Садри аъзимлару, муҳтарам шайхлар, ҳурматга муносиб саййидлар, стук олимлар, ислом қозилари, фозил, шоир, мавло, ашроф ва аҳоли тоифаларини «Аҳли саодат» деб номладилар, зероки бу вожиб ут-таъзим гуруҳга риоят бу ҳурматга лойиқ фирқа билан суҳбатда бўлиш абадий саодатга эришув сабаби ва етакчи давлат даражаларига эришув боиси бўлур.

Маснавий:

Саодат фалакнинг бахшойиши билан,
Зўравон қўлларнинг жанги билинмас,
Давлатга эришмоқ истасанг бирга бўлгин,
Ҳамиша аҳли саодат билан.

Ҳусну малоҳат арбоби, сабоҳат соҳиби бўлган ёшлар, машшоқу созандалар, хушовоз хонандаларни «Аҳли мурод» деб атадилар, зеро инсон наслидан аксариятини оқ юзли жононлару, хушгуфтор гулузорлар қизиқтиради, (чунки) матлублари шулардир. Нағма ва ашула эшитиб, чангу қонун ва уд овозидан баҳра олмоқ ва уларни марғуб тутмоқ.

Маснавий:

Умидворлар хотирининг муроди,
Гулузорлар висолдан бошқа нарса эмасдир.
Кимнинг овозу созга мойиллиги бўлса,
Унинг юзига иқбол эшиги очикдир.

¹ Сидра — ривоятга кўра, еттинчи осмонда ўсалиган бир дарахт номи.

² «Мулкдорлик эр кишиларсиз бўлмайди» — мақол.

Шунга кўра, бу фозил подшоҳ (уларнинг мажлисларини) ҳафтанинг кунларига мослаштирилди. Бир кунни бирор давлат, саодат ва мурод аҳлининг бирига мансуб топдилар. Бу қуйидаги тартибда бўлади: Шанба ва панжшанбани саодат ва мулоқот аҳли бўлган илму ибодат юмушларини тартибга солувчиларга тааллуқ этдилар. Шу икки кун ичида ул карамли гуруҳ жаннат рутбали суҳбат шарафини идрок этиш сабабидан умид дарахти абадий саодат мевасидан ҳосил берди. Бу икки куннинг аҳли саодатга ҳослиги шундан иборатки, шанба Зуҳалга¹ мансуб бўлиб, Зуҳал вожиб ут — таъзим машойихлар ва қадам хонадонлар мураббийси, панжшанба Муштарийга² мутааллиқ бўлиб, Муштарий саййидлар, олимлар, шариати мустаҳкам муршидлар юлдузидир. Якшанба ва сешанба кунлари давлат аҳли, султон юмушларини саранжом этувчилар, жаҳонбошлик ишларини тартибга келтирувчиларга тегишли бўлади. Шу икки кун давомида душманни ёндирувчи подшоҳнинг девонда ўлтириши сабабидан ҳосу авом учун мулозамат давлати, уларга енгиллик бериш лозим бўлади. (Подшоҳнинг) Девонга ўлтириши жиҳатидан бу икки куннинг тайинланиши ҳикмати, ҳукму фармон ижросининг ҳикмати шулки, якшанба куни Қўёшга тааллуқлидир. Офтоб эса Тангри иродаси тақозосига кўра ҳокиму султонларга мансубдир. Сешанба куни Миррихга³ тааллуқли (бўлиб) Миррих жасоратли турклар мураббийсидир. Бу муқаддимадан тўрт жиҳатга қўёш нуридек зоҳиру ошқордирки, шу икки кун ичида девонхонада ҳукумат тахтини файзли шоҳ вужуди билан мушарраф айламоқ, фармон чиқариш ва салтанат ишлари билан шугулланиш бошқа кунлардагига қараганда муносиброқдир».

Мана бу парчага эътибор беринг:

«Аълоҳазрат ихтироларидан яна бири шулки, тилло суви юритилган уч пайконники, (бу) саодат пайкони, давлат пайкони, мурод пайконидан киноядир, ясатиб, шу уч пайконнинг ҳар бирини бир росиҳат ул-баён⁴ ва бошқаларга топширдилар. Натижада ул сарқорнинг ишлари, унинг ҳусни эҳтимолига кўра, саранжом бўлган. Шуниси муқаррардирки, доимо ул пайкон соҳибларидан ҳар бири шу пайконга тааллуқли ишларни бажаришда, мансаби тақозосича, иш олиб борганлар. Бунда Тангри таоло тақозоси, ҳазрат подшо давлат ҳоҳлиги мустажоби лозим бўлса, иноят назари манзур бўлиб, ихтиёр маснадида собит ва пойдор қолган. Ҳар гоҳ мансаб ва ғурур шаробидан масту аласт бўлса, унинг кафолат ёпинғичи унинг кўрар кўзини берки-

¹ Зуҳал — Сатурн сайёраси.

² Муштарий — Юпитер сайёраси; отиб олувчи, харидор, маъносида.

³ Миррих — Марс сайёраси.

⁴ Росиҳат ул-баён — Фикрида (сўзида) қаттиқ турувчи, маҳкам турувчи.

тиб олади, ёки бирор ғаразлик орқасида салтанат ишлари интизомига кўз ташламайди. Бахт унга қулиб боқмаганлиги сабабдан, мол тўплашни кўзда тутати. Ҳар ҳолда унинг тадбири ўқи мурод нишонига тегмайди, тақдир қалами унинг хароб ҳоли саҳифасига азл рақамини чекади. Демак, шундай бўлиши мумкинки, бирор саодатманки, у (бу ўқ ёйларининг) учтасидан бирини муносиб деб топса, ҳар тақдирда ҳам подшоҳ кўнгли танлагани... у бўлмайдида, бир кун ёки ҳафтага озод ёки ҳибсга олишга мубтало этилади. Кўмак дўстлик қилиб, бир тадбирни бошлайдики, ҳусни эҳтимом ва хайрли тадбири ул саркор дидига мос келиб, банданавоз подшоҳ муродга яраша унинг тарбиясига кўпроқ эътибор беради. Шунга кўра, мумкинликлари, бирор киши саодат, давлат ёки мурод аҳли билан бўлганда, иқтидор атрини туйиб, бадмастлик ва ғавво чиқаришни бошласа ҳам, биринчи кун хумори бош оғриғига эътибор майдан грифтор бўлиб, рад этилади ва мансабидан қувилди. Мисра: Мастлар учун бод насимининг бўйи кифоя. Муаллиф қалами ушбу саҳифаларни пардозлаётган санада (1530) истиқлол юзасидан фазлу камол асҳобининг сараси, жоҳу жалол арбобининг мутасаддийси, нафсоний камолот эгаси, инсон табақаларининг пушти паноҳи, саодат соҳиби, ифода маъдани, ҳазрати (подшоҳ)нинг яқини, фазилат ва фаровонлик осмонининг Биржиси¹, мулк шарафи мавлоно Муҳиддин Муҳаммад Фарҳарийга² саодат саркорлиги вазифаси топширилди. Бузруквор шайхлар баланд мартабали сайидлар, ифодат белгилу уламолар диёнат соҳиби бўлмиш қозилар, дарс ва фатво арбоблари, зўҳду тақво асҳоблари ишларининг ҳал қилиниши, тузилиши, мутасаддийлиги, катта-кичик дастор аҳли устидан ҳақиқат ўрнатиш, шариатнинг муносиб кафолат эгаларини, диний ишлар мутасаддийларини ишдан олиш ва тайинлаш ушбу карамли фирқаннинг тамоми вазифа ва суюрғолларини³ тайинлаш ушбу жаноб томонидан амалга оширилажаги махсус белгиланади. Давлат ва инқилоб саркорлиги ишлари, шавкат ва истиқлол даргоҳи мулозимлари тадбирлари бахтиёрлик маъракаси сипоҳ ороси, номдорлик майдонларининг музаффар байроқдори, давлат маслаҳатчиси, саодатга муносиб, ҳазрат (подшоҳ)нинг яқин кишиси, салтанат сараси, баҳодирлик майдонининг чаван-

¹ Биржис — Муштарий сайёраси.

² Мавлоно Муҳиддин Муҳаммад Фарҳарий — Ҳумоюн саройидан «Аҳли саодат» вазирлигини бошқарган шахс. Шайхлар, сайид, қозилар ишларининг ҳал қилиниши, ҳақиқат ўрнатиш, диндорларни ишдан олиш ва тайинлаш унинг вазифасига кирган.

³ Суюрғол — тож-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматлари учун бериладиган инъом.

дози, Шужоҳиддин амир Ҳиндубек баҳодирга¹ тааллуқ деб топилди. Ҳуқмга қўра баланд мартабали ҳиммати улуғ амирлар, ақобир, вазирлар султон тadbирларининг мутасаддийлари, девон ишлари кафилигини олганлар тadbирларини бошқариш ва тушунтириш, ечимини топиш, зафар шиор аскарлар улуфасини² белгилаш, осмон миқдорли остона мулозимларини вазифаларга тайинлашга йўналтирилади.

Аҳли мурод юмушлари, дину адолат ва подшоҳ хонадони ишларини бошқариш фазилатпаноҳ, маолий дастгоҳ, соҳиб ул-мурод, подшоҳга яқин бўлишга ва ишончига лойиқ риояткор ва тўғри йўл тутувчи, хос мажлислар суҳбатдоши ва маҳфил ихтисос зиёфатлар аъзоси, давлату дунё, дин безағи амир Увайс Муҳаммадга³, Тангри уни абадий иззат билан хос тутсин. Нуқсонсиз тақаллуф, таассубсиз билағонлик шундан иборатки, чунончи мазкур саркор аҳоли ишларидаги иродаси ва мадад бериладиган подшоҳ уйлари, ҳашамат асбоби тартиблари, ифтихор ва азамат сабаблари тақомилига жидду жаҳд кўрсатиши лозим ва вожибдир. Доимий қарам қамолига умид шулки, бу саодат маол уч нафар давлатманд (амир) яхши хислатли подшоҳ иқболи соясида доимо мулку мол ишларини илора қилишда алоҳида сипоҳ ва райят фаровонлиги шариатини яратиш йўлини тутадилар ва ҳар кун янги бир давлат ва беандоза бир саодат ўтилганидек муяссар бўлғусидир. Ҳазрати подшоҳ зиллаллоҳи, хилофат ошён остона мулозимлари диний ва дунёвий мақсадлар, сувратий ва маънавий таҳсинга лойиқ ваҳж ва муносиб суратда амалга ошади.

Маснавий:

Худоё, бу аълогуҳар шоҳ,
Сулаймон макону Искандар асар
Узоқ йиллар давлат тепасида турсин.
Қамол аҳли иқболида осойишталик,
Саодат уйи унга яқин бўлсин,
Ҳар икки жаҳон муродлари (унга) ҳамроҳ бўлсин.

Мана бу парча ҳам диққатга лойиқдир:

Жавонбахт, пур тadbир подшоҳ ихтироларидан бири пайкон тақсимланишдир. Шу восита билан хилофат масир тахт пояси мулозимларидан ҳар бири (ўз мансабига) тайинланади. Балсғат мақол қалам бу тартиб тафсилини таҳлил силкига шу йўсинда тақрир ипига тиздики, тил-

¹ Амир Ҳиндубек — «Аҳли давлат» вазирлигини бошқарган. Амирлар, вазирлар, барча давлат мутасаддийлари, девон ишлари, остона мулозимларини мартабаларга тайинлаш ва ишдан олиш вазифаси унга юклатилган; девонбеги.

² Улуфа — Амирлар ва уларнинг от-улови учун бериладиган маош, емиш.

³ Амир Увайс Муҳаммад — Бобурдан сўнг Ҳумоюн хизматида бўлган катта амирлардан бири.

лонинг қиймати даражасига кўра, давлат, саодат ва му-
род аҳлидан аслзодалар, мартабалари тафовутга қараб, ўн
икки пайконни ташкил этди; ҳар бирининг қадри ва мар-
табаларини ҳолига яраша муносиб даражага кўтардилар.

Ўн иккинчи пайкон (будир): баланд пайкон қизил
тиллодан ясалган бўлиб, подшоҳ иқболи истиқболига,
ҳимоячисига берилдики, уларга тенг келадиган киши то-
пилмаса керак.

Ўн биринчи пайкон: малойиқ ошён остона мулозим-
лари бўлмиш султонлардан ақрабo, оғасининг гуруҳига
мансубдир.

Ўнинчи пайкон: ақл пири шайхлар улуғи, сайидлар,
уламо ақобирлар ва саодат аҳлига муносиб топилди.

Тўққизинчи пайкон: улуғ амирларга тааллуқли деб то-
пилди.

Саққизинчи пайкон: подшоҳнинг яқинлари ва ички-
лар¹, гуруҳига муносиб топилди.

Еттинчи пайкон: бошқа ичкиларга хос топилди.

Олтинчи пайкон: хўжаста шамойил қабиаларининг
бошлиқлари ва юзбегиларга тааллуқли (деб) топилди.

Бешинчи пайкон: чавандоз йигитларга тааллуқли то-
пилди.

Тўртинчи пайкон: хазиначиларга муносиб топилди.

Учинчи пайкон: жирға йигитларига мансуб дейилди.

Иккинчи пайкон: тақдир дабирлари бўлмиш шогирд-
пешаларга² деб топилди.

Биринчи пайкон: дарбон, сарбон³ кабиларга мансуб,
(деб топилди).

Ҳар пайкон уч сара пайкондан иборат бўлиб, аёло,
ўрта, паст, анҳу ҳувалқодир ало мойаша⁴.

Ўткир зеҳнли кўнгиллар ва зийрак кўзлиларга махфий
ва яширин қолмасинки, серкаромат подшоҳ муносиб ар-
боблар ва хилофат ошён остонанинг бошқа мулозимлари
мартабаларини тақсимлаш бобида ихтиёр қилган алад Танг-
ри илҳомлари, Раббоний қудратидандир. Икки жаҳон иш-
лари интизоми ваҳҳидан султон сарой ходимлари қуйи-
дагидек ўн иккилик ададидирки, олам яратилганидан то
шу дамгача диний ишлар ва ҳалойиқ тадбирларининг ак-
сарияти мадори шу 12 ададидадирлар.

Аввали шулки, саққизинчи фалак ўн икки буржга⁴
бўлинади; куёш ва ой ҳаракати мадори бошқа юлдузлар ва
етти сайёра ҳаракатлари мадорлари ҳам шу буржлардадир.
Ойлар ва суннатлар ҳисоби шу тартибда изоҳланади. Бу

¹ Ичкилар — подшоҳнинг хос хизматкорлари.

² Шогирдпеша — подшоҳ, амир, мансабдор ва бой-бадавлат кишилар-
нинг хизматкорлари.

³ Дарбон — дарвозабон; сарбон—карвонбоши.

⁴ «Оллоҳнинг наздида, ойларнинг самоғи, Оллоҳ осмонлар ва ерни яратган
қунида белгилаб қўйгандек, ўн икки ойдир» — (Қуръон, Тавба сураси, 36 оят).

сўзнинг ростлиги ва тўғрилиги кунлар ва ойлар ўтишига мувофиқ ҳаёт ва инсон ҳаёти юзида тобланмоқда.

Яна шулки, оламнинг баъзи савобли ишлари замонга муҳтож бўлади; замон эса кеча ва кундуз соатларидан иборат; кеча ва кундузнинг ҳар бири ўртача тенг ҳолатдаки, баҳор фасли аввалидан киноядир, куз мавсуми бошланишидир. У ўн икки соат давом этади. Шу далилга асосан, албатта, «Оллоҳнинг наздида, ойларнинг саноғи Оллоҳ осмонлар ва ерни яратган кунда белгилаб қўйгандек, ўн икки ойдир»¹ ойлари сони ҳам ўн иккидан ортиқ бўлмас.

Яна шулки, хонадон адади, яъни Яғқуб ас авлоди мўъжизакор калом муқтазосича, Мусо қавмидан шундай жамоат ҳам борки, ҳақ сўз билан одамларни тўғри йўлга бошлайдилар ва ҳақ ҳукмлар билан адолат қилурлар. Уларни жамоа-жамоа қилиб ўн икки уруғ-авлодга бўлиб юбордик. Улар икки нафар эдилар.

Яна инояти тугал қуйидаги оят бўйича, «қачонлардир, Оллоҳ Исроил фарзандлари билан келишди; биз улар орасидан ўн икки нақибни сайладик»². Тангри таоло каломи муфассирлари ва Мусо қавми нақиблари, муҳаққиқлар Мусо қавмини ўн икки нафа ҳисоблайдилар.

Яна шулки Ҳазрати Пайғамбаримиз машҳар кунига-ча, ул зотга саловат бўлсин, «ақба кечаси»³ ансорларидан ўн икки нафарини нақиблик лавозимига тайинладилар. Яна маъсум имомлар, жойлари жаннатдан бўлсин, адади ҳам ўн иккига етган.

Яна шулки, икки калимаи шаҳодат⁴ ҳарфлари ёзилиши сувратики, аслида иймон шажараси эди, ўзининг ўн икки сифати билан ажралиб туради; бу даъвонинг тўғрилигига ҳар ким ул икки калима таййиба ҳарфларини санаса иқрор бўлади.

Алқисса, шундай тақсимлаш воқеъ бўлгач, сидра мартабали сада мулозимларининг давлат ва саодат саҳмини улугъ бахшилар мурод бўйича ташқари чиқдилар. Уларнинг ҳар бириники улүфа ва мартабаси унда ёзиғлик эди, улашдилар. То ҳаммаларининг ирфони ўз ҳолига кўра ҳосил бўлди. Рози, шокир, қўллаб-қўлтиқланган ва ишоняга тўлиб, кишваркушо подшоҳнинг дуоси ва саносига машғул бўлдилар» (26—28).

Ва ниҳоят сўнгги парча:

«Бу малак нажот подшоҳ ихтироларидан яна бири шулки, салтанат саркорлиги ишларини тўрт унсур ададига

¹ «Уларни жамоа-жамоа қилиб ўн икки уруғ-авлодга бўлиб юбордик» (Қуръон, Аъроф сураси, 160-оят).

² «Қачонлардир Оллоҳ Исроил фарзандлари билан келишди; биз улар орасидан ўн икки нақибни сайладик» (Қуръон Монса сураси, 12-оят).

³ Ақба кечаси — Минна тоғидаги тепалик;

⁴ Калимаи шаҳодат — «Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу», дейиш.

кўра, тўрт қисмга бўлдилар: оташий, ҳавойй, обий ва хокий. Тўрт саркорликнинг ҳар бирининг ишлари, мақсаду вазифалари бўйича вазир тайинландилар. Тўпхона, қурол-аслаҳа ва ҳарб элатлари тартиби, қуролсозлик, таъна ва зарб яроғлари, аксарий олов қалаш билан боғлиқ ишлар шу саркорликка тегишли бўлиб, (унинг бошлиғи) «саркори оташий» дейилган. Бу саркорлик вазирлигига хожа Амидулмулк¹ тайинланди. Унинг хатти-ҳаракатлари шу ишлар мубоширлари ичидаги қонунга йўналтирилди. Керак яроқчи, бовурчихона², хос истабил, туя, от-улов зарурати саранжомини «саркори ҳавойй» деб атадилар. Бу саркорлик жиловы хожа Лутфуллоҳнинг иқтидорли қўлига топширилди. Шарбатхона, сувчихона, анҳорларнинг оқиши ва денгиз билан боғлиқ барча тадбирлар «саркори обий» деб аталди. Бу саркорлик вазирлиги хожа Ҳасанга³ тайин бўлди. Зироат, иморат, ҳолисот забти ва баъзи қурилишларга доир ишларни «саркори ҳокий»га тааллуқ топдилар. Бу саркорлик вазирлиги ишига хожа Жалолиддин Мирзабекни⁴ тайинлашга қарор қилинди. Илгари мазкур саркорликнинг ҳар бирида амирлардан бири турган. Масалан, Амир Носирқули⁵ «саркори оташ» амири бўлган ва доимо қизил либосда юрган. У вафот топган, жоху жалол чаманининг сарви Амир Ниҳол⁶ ўша мансабга сарфароз этилди.

Аммо ушбу саҳифалар ёзилаётган кунларда ҳар тўртта-ла саркорлик соҳиб ихтиёрлигини улуғ амирлар сараси, буюк фозиллар паноҳи амир Увайс Муҳаммад⁷ олиб бормоқда. «Саламатуллоҳу абқаҳу жаъал ақбоҳ хайрон мин дунёҳ»⁸.

¹ Хожа Амидулмулк — «Саркори оташий» вазирлигига бошлиқ этиб тайинланган шахс.

² Бовурчихона — подшоҳ ошхонаси.

³ Хожа Ҳасан — Хожа Ҳасан Марви асли келиб чиқиши вазирзода, «Саркори обий» вазирлигини бошқарган, машҳур шоир ва рубойнома шоир.

⁴ Хожа Жалолиддин Мирзабек — Бу киши «Саркори ҳокий» вазирлигига бошчилик қилган.

⁵ Амир Носирқули — Серғайрат ва шижоатли амирлардан бўлган. У доим қизил рангли кийим кийиб юрган. Амир Носирқули «Саркори оташий» вазирлигида мутасаддилардан бўлган.

⁶ Амир Ниҳол — Амир Носирқули вафотидан сўнг, унинг вазифасини бажарган.

⁷ Амир Увайс — Амир Увайс Муҳаммад Тангри, Ҳумоюншоҳ салтанатининг «Аҳли Мурод» юмушларини бошқарган, «Саркоби обий», «Саркоби оташий», «Саркоби хокий» ва «Саркоби ҳавойй» вазирликларига мутасадди бўлган.

⁸ «Саламатуллоҳу абқаҳу жаъал ақбоҳ хайрон мин дунёҳ» — бош вазир легани.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИ

Хорижда ҳам Амир Темури ва Темурийлар салтанатини ўрганишга бағишланган асарлар анчагина топилади. Масалан, Францияда проф. Л. Керен ва Жан Поль Ру, АҚШда Беатриса Форбес Манз ва Корнел Х. Флайшер, Италияда Николао Манусси, Англияда У. Л. Ф. Рашбрук ва У. Эрскин, Хиндистонда Ишвари Прасад ва Дж. Саркор, Туркияда Мустафо Али ва Ҳалил Иналжик каби тадқиқотчиларнинг асарларида Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳамда Темурийлар сулоласи намоёндаларининг жаҳоншумул ишлари кўрсатиб берилган. Ўз салтанатини беш аср давомида қўлда тутиб турган Темурийлар Осиё ва Оврупо қитъасининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига жуда кўп ижобий таъсир кўрсатганлар. Турк тарихчиси Мустафо Али (1541—1600)нинг ёзишича, «Темурийлар сулоласидан чиққан Хусайн Бойқаронинг салтанати маданий ва сиёсий оқилликнинг андозаси (моделли) эди»¹.

XIV—XV асрлардаги усмонли турк, сафавий, мўғул ва ўзбек давлатлари ўз вақтида йирик давлатлар бўлиб, ўз қонун-қоидалари, диний ва бошқарув тартиблари, сиёсий, иқтисодий ва маданий пойдевориغا эга бўлди. Юқорида номи зикр этилган турк тарихчиси Мустафо Алининг ёзишича:

1. Қонуний мустақиллик олим ҳукмдорнинг тажрибаси, ҳокимиятнинг вазифалари ва масъулияти, қўшинни назорат қила олиши, ҳуқуқ ва хусусий мулкчиликни қаттиқ ҳимоя қилишига асосланган.

2. Ҳар бир мусулмон ҳукмдор шариатга, унинг руҳи ва ҳар бир ҳарфига амал қилиши лозим.

3. Умуман мусулмон ҳукмдор адолат ва ҳақиқатнинг қўриқчиси бўлган қозидан юқори туради². Инглиз тарихчиси А. К. Ламбтон ўрта аср ислом мамлакатларида давлатчилик ва ҳукмдорлик масалаларига бағишланган асарида давлатнинг диний ғоя ва сиёсат пойдевориға қурилиши одат, айниқса, исломий давлатларда анъана бўлиб келганлигини алоҳида таъкидлайди³. Амир Темури салта-

¹ Mustafa Ali. *Essence of History*. Translated by C. H. Fleischer. Princeton Univ. Press 1986, p. 276.

² Mustafa Ali. *Ibid.*, p. 281.

³ Lambton A. K. S. *State and government in medieval Islam*, Oxford, 1981, p.p. 178—200.

натига бағишланган махсус катта рисоланинг муаллифи Америкалик шарқшунос Б. Ф. Манзнинг ёзишича, Амир Темур узоқ давом этган салтанатининг деярли барчасини ўз мансабдорлари иштирокида идора қилди, лекин ҳар томонлама янги давлат қурилмасини тузишга журъат қилмади. Ўзидан аввалги ҳукмдорлар сингари у халқ орқали давлатни бошқарди ва буни маҳкамаларидан (институтларидан) афзал кўрди... Амир Темур салтанатининг асослари бошқа ундан аввал ва кейин ўтган кўчманчиларнинг давлат бошқарувига ўхшаш эди. У икки яхши ривожланган системага эга бўлган давлатни — бири турк — мўғул, иккинчиси араб — форс тузумини мерос сифатида олган эди, ҳар иккисини бирлаштириб, уларни, ўз заруриятига кўра, тақомиллаштирди¹. Б. Ф. Манз юқорида айтилган Амир Темур «янги давлат структурасини тузишга журъат қилмади», деган фикрига ўзи қарши чиқиб, «Амир Темурнинг назорат усулини таҳлил қилиш учун бир эмас, балки икки системани кўриб чиқиш лозим» деб ёзади². Бу икки система қандай тузилган эди? Биринчиси — Амир Темур давлатидаги махсус вазифаларни бажарувчи бир қанча маҳкамалар ва турли соҳа ва бўлимларнинг ишини олиб боровчи гуруҳлардан иборат эди. Иккинчиси эса, биринчи система ортида туриб, ўша маҳкамалар орқали иш кўрган, лекин бошқа мақсадларда фойдаланилган. Бу икки системани Амир Темур Даврида «девони олий» ва «девони бузург» деб аталган. Солиқ йиғиш ва бошқа молиявий ишлар девони олийга бириктирилган. Ҳарбий соҳа ва амирларни тайинлаш иши девони бузург зиммасига юклатилган эди.

Хорижий тадқиқотчиларнинг барчаси ҳам Амир Темур ва Темурийлар салтанати ҳақида доим ҳам тўғри ва холис фикр айтмаганлар. Лекин кўпчилик тадқиқотчилар Амир Темур давлатининг кучи унинг бошқарув санъати ва буюк саркарда эканлиги билан белгиланишини эътироф этадилар. Масалан, Француз тадқиқотчиси Жан-Поль Ру Амир Темурнинг «чиқарган ҳукмлари ҳар томонлама адолатли», деб ҳақиқатни тасдиқласа ҳам, кўпгина ғализ ва ноўрин, тамоман нотўғри фикрларни айтган. Бироқ давлат бошлиғи сифатида унинг қаттиққўллиги, «мабодо, кимда-ким унга тик қараса, унинг боши танасидан жудо қилинарди, деб ёзган Жан-Поль Ру бутунлай ноҳақдир. АҚШлик шарқшунос Ҳ. Гибнинг ибораси билан айтганда «XV аср биринчи чорагидан бошлаб то шу даврнинг охи-

¹ Manz Beatrice Forbes. The rise and of Tamerlane, Cambridge Univ. Press. Cambridge, 1989, p. 93.

² Mans B. F. Ibid., p. 81.

ригача ислом оламида сиёсий кучларнинг қайта тақсимланиши рўй берди»¹.

Шу даврда Усмонли турклар Фарбий Осиё ва Шарқий Африкадан то Марокаш чегараларигача ҳудудларни эгаллаб олдилар. Сафавийлар Эронда шиалар давлатини туздилар, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистонда Темурий ҳукмдорлари давлати буюк империя мавқеига эга бўлди.

Жан-Поль Ру Амир Темурнинг давлат сиёсатига баҳо берад экан... «унинг сиёсати, албатта, соф ва ҳеч қачон қабих бўлмаган. У ўз мақсадларини, имтиёзларини очиқ-ойдин бир ҳақиқат асосида олиб борди»² — деб ёзади. Амир Темурнинг иқтисодий сиёсати фақат ички масалалар эмас, балки ташқи алоқалар билан боғлиқ бўлиб, фақат Осиё эмас, балки Оврупога ҳам савдо-сотик ишлари билан боғланиб кетганини хорижий тадқиқотчилар тан оладилар.

Амир Темур оғир аҳволга тушган савдогарларга ёрдам кўрсатиб, уларга ақча қарз бериб, солиқ тўловларини камроқ тўлаш учун рухсат берган. У оммавий тадбирлар, сарой, масжид, мадраса ва шифохоналарни молиявий жиҳатдан таъмин қилиб турган. Давлат қишлоқ хўжалигига ва суғориш ишларига ўз хазинасидан ёрдам кўрсатар эди.

Амир Темур давлатининг яна бир катта муруввати камбағалларни қийин аҳволга солмаслик, арзимаган айблари учун мол-мулкни мусодара қилмаслик ва ҳунармандларни керак хомашё билан таъминлаш, бозорларда адолатли, тўғри нарх ўрнатишда яққол кўринади. Амир Темурдаги бу ижобий ҳислатлар ҳам хорижий тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмаган. Инглиз тадқиқотчиси Б. Гаскоин Темурийлар салтанатининг намоёндалари тарихида ўрганиб, Бобур, Ҳумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб ҳақида алоҳида фикр юритади ва уларнинг келиб чиқиши Амир Темурдек буюк зотга бориб уланишини таъкидлайди³. Амир Темур ва Темурийларнинг давлатни бошқаришда қонун ва ҳар иккисини мувофиқлаштириб туриш оқиллик ва адолат билан иш тутган ҳукмдорга боғлиқ эканини Мустафо Али бир неча бор тақдорлаган эди. Б. Ф. Манз гапнинг хулосасини айтади: «Амир Темур ўз давлатини нима мақсадда тузган бўлса, шунга эришган; у ўзига тегишли ҳудуд ҳамда қўл остидаги халқларни

¹ Gibb H. A. Studies on the civilization of Islam. Beacon Univ. Press, Boston. 1962, p. 134.

² Jean-Paul Roux. Ibid., p. 142.

³ Gascoigne Bamber. The great Moghuls. London, 1985, p. 19.

назорат остида тутган. Бу — аниқ ҳамда пухта ўйлаб юргизилган сиёсат туфайли эканини амалга ошириб бўладиган йирик муваффақият эди»¹.

Амир Темур давлати муваффақиятларининг сиру асрорларини ўрганиш ҳозирги даврда ва келгусида ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Чунки унинг давлати ҳар томонлама етук ва метин пойдеворга эга таянган давлат эди.

Сабоҳат ЮСУПОВА

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари
университети, катта ўқитувчи

АМИР ТЕМУРНИ ЎРГАНИШНИНГ ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒУРУР, МИЛЛИЙ ИФТИХОР ВА ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Буюк аждодларимиз тарихини ўрганар эканмиз, уларнинг тенгсиз иқтидор ва қобилият эгаси эканликларининг гувоҳи бўламиз ва улар билан фахрланамиз. Мардлик ва жасорат, эл-юртга бўлган меҳр-муҳаббат, илм-маърифатни тараққий эттиришга бўлган фидойилик жонқуярлик, буюк ватанпарварлик туйғулари инсон учун зарур бўлган олий фазилат эканлигини чуқур англаймиз.

Маълумки узоқ йиллар мобайнида жаҳон тарихи ва маданиятига улкан ва бебаҳо ҳисса қўшиб келган аждодларимиз меросидан баҳраманд бўла олмадик. Биз яшаган ижтимоий-сиёсий тарихни унутишга қаратилганлиги сабабли, ёшлар аждодларининг тарихини ҳолисона ўрганишдан узоқлашиб қолган эдилар. Ҳозирги кунга қадар АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатларда соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг фаолиятини катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Унинг ҳақида хорижий мамлакатларда кўплаб тарихий асарлар яратилмоқда.

«Темур тузуклари»даги чуқур мазмун ва қонун-қоидалар давлатни бошқаришда ва ҳозирги баркамол авлодни тарбиялашда муҳим ва қимматли тарихий манба бўлиб хизмат қилади.

Мустақилликка эришганимиздан буён буюк аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улугбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Ал-Бухорий каби маънавиятимиз юлдузларининг таваллуд тўйлари халқаро миқёсда нишонланганлиги ёшлар қалбидаги ғурур ва ифтихор туйғуларини, ватанпарварлик ҳисларини қайта тик-

¹ Manz B. F. Ibid. P. 142.

ламоқда. Миллий ўзликни англаш туйғусининг ўсиши, миллий ғурурнинг кучайиши, қанчалик ноёб маданий ва тарихий бойликлар вориси эканлигимизни англаш, буюк аждодларимизнинг маънавий ва илмий жасоратларини давом эттириш ҳозирги ёшларнинг халқимиз маънавий бойлигини кўпроқ ўрганиш ва ривожлантиришга ундамоқда.

Буюк соҳибқирон бобомизнинг таваллуд тўйлари Парижда ЮНЕСКО томонидан нишонланиши Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирди.

Самарқандда ўтказилган 1996 йил октябридаги тантаналар халқимизнинг қалбида Амир Темурга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Бу тантаналарда Европа, Осиё, Америка ва Африка қитъаларининг 25 мамлакати ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келган 200 дан ортқ мутахассис олимлар, ёзувчилар, журналистлар, дипломатлар, фан ва маданият арбоблари иштирок этдилар.

Бундай тadbирларнинг ўтказилиши Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва мавқеини кўрсатибгина қолмасдан, балки, унинг бунёдкорлик ва инсонпарварликдан иборат ички ва ташқи сиёсатини бир қадар очиб берди.

Амир Темурнинг давлатни бошқариши ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини чуқур ўрганиш бугунги ёшлар олдига қўйилган асосий вазифалардан биридир.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига доимо, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан ўз фаолиятида фойдаланишга интилар экан, тарихчи ибн Арабшоҳ ёзганидек, «Темур олимларга меҳрибон, сайиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларни ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қилар эди!» Соҳибқирон бобомизнинг бу фаолиятига бутун мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг илм-фан аҳли ва ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш соҳасидаги қимматли фикрлари ҳамоҳанг бўлмоқда. «Темур тузуклари»да давлат тизими, турли лавозим эгаларининг бурч ва вазифаси, давлатни бошқаришга асос бўлган қонун-қоидалар, қўшиннинг тузилиш, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, сипоҳийларни рағбатлантириш каби масалалар баён этилди. Амир Темур давлат ишларини ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борганлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар, асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч кимсанинг қурби етмасди». Бу ўғитларга бугун ҳам амаё қилаётибмиз. Мустақил Ўзбекистоннинг демократик ва ҳуқуқий давлат қуришдаги одилона сиёса-

тига аралашишга ва халқимизнинг тинчлигини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Амир Темур нафақат Самарқандда, балки Қобул водийси ва Муғон чўлларида ҳам улкан ободончилик ишларини олиб борди, «Бир йил мобайнида Бағдод шаҳрини тиклаш ва ободончиликка эътибор бериш» ҳақида Амир Темур буйруқ берганлиги Шарафиддин Али Яздий ҳам таъкидлаган.

Амир Темурнинг Осиё, умуман, жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни ҳақида гапирар эканмиз, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиздир: Амир Темур Марказий Осиёни мўғуллар зулмидан озод этишда барча ватанпарвар кучларни уюштириб, уларни мустақиллик учун курашга йўналтирган етакчи раҳбар, тенги йўқ саркардадир; Амир Темур кўп йиллар давомида мустамлака бўлиб, чет эллик мустамлакачиларга бўйсуниб келган Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил ва кучли давлат барпо эта олди. У ўз даврига хос сабабларга кўра бошқа мамлакатларга юришлар қилди ва улар ривожланишнинг тезлашишига ўз ҳиссасини қўшди.

Афсуски, собиқ шўролар мафкураси ҳукмронлик қилган даврда Амир Темур фаолияти ҳақида фақат салбий фикрлар айtilди. Ва яна забардаст Темуршунос олимларимиз томонидан билдирилган ижобий фикрларнинг таҳқиқланганлиги ҳам ачинарли ҳолдир.

Сўнгги йилларда Амир Темур ва унинг даврини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайганлиги ўзбек халқи ва мустақил Ўзбекистон ёшларининг қалбини миллий гурур, миллий ифтихор ва истиқлол туйғулари билан тўлдирди. Ўзбекистон Президентининг фармони билан 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши Амир Темур номини абадийлаштириб, ўзбек халқига қайтгани катта аҳамиятга эга бўлди. Бу воқеа миллий гуруримизни, миллий ифтихоримизни кучайтирган омил бўлди, албатта.

Хуллас калом соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари даврида гуллаб-яшнаган кўп йиллик маданият ва маънавият ўзлигимизни, ўзбекчилигимизни унутишга йўл қўймади халқимиз миллий гуруримизни, миллий ифтихоримизни ва истиқлол ҳақидаги орзуларимизни хатарли сўқмоқлардан эсон-омон олиб ўтди.

Темур шахси бутун айниқса порлоқ келажагимиз эгалари бўлмиш ёшлар учун айниқса ибратлидир. Бугунги кунда жамиятимизга ёт бўлган ҳар хил оқимлар томонидан зўравонликни, ахлоқсизликни, гиёҳвандликни, бетга чопарликни, шарм-ҳаёсизликни тарғиб этиш кўп миллатли Ўзбекистон халқлари турмуш тарзи ва шарт-шароитларини бузиш, миллийлик хусусиятларини йўқотиш ва бошқа йўлга

буриш каби мақсадларга қаратилган ғоялардан ёш авлодни асрашимиз керак. Мамлакатимизда 136 миллат, элат ва этник гуруҳларнинг вакиллари Ўзбекистон фуқароси, бир Ватан фарзанди сифатида истиқомат қилиб келмоқда. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни сақлаш ва уйғунлаштириш бугун бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунда республикамызда фаоллик кўрсатаётган 130 та миллий маданий марказларнинг роли каттадир.

Дарҳақиқат, ёшлар мамлакатимизнинг келажагидир. Уларда миллат туйғуси, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришда ҳазрат — соҳибқирон бобомиз Амир Темурга хос бўлган мардлик, жасурлик, зукколик, инсонпарварлик, эл-юрт ташвишлари билан яшаш ҳислатларини билиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Н. Р. ЖЎРАЕВА

Ўзбекистон Давлат
Жаҳон тиллари Университети

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан изчил одимлаб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан биз тарихий ҳақиқатни ҳаққоний ёритиш имкониятини қўлга киритдик. Натижада коммунистик мафкура раҳнамо бўлган «қизил империя» даврида кенг жамоатчиликдан яшириниб келинган воқеа-ҳодисалар ҳақида бугун ҳолисона фикр юритиш имкониятига эга бўлдик. Жумладан, давлатчилик тарихини совет ҳокимияти йилларида ўрганишга имконият берилмади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан бунга керакли имкониятлар яратилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда давлатчилик тарихи масалаларига эътибор ошиб бормоқда. Президент И. А. Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48 сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эдилар: «Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва 3000 йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимги Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган».

Биз, пировард мақсадимиз бўлган — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари одимлаётган эканмиз, ўтмиш шарқ давлатчилиги тузилмаларидан ўринли фойдаланишимиз лозимлиги юртбошимиз томонидан бир неча бор айтилди. Бу ўринда Амир Темурнинг марказлашган

мустақил давлатни тузиш, уни бошқариш хусусидаги қонун-қоидаларни ўз ичига олган «Темур тузуклари»ни ишлаб чиққанлиги ва бу қонунларни Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, давлат тузумига адолатли татбиқ қилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда буюк бобомиз ўғитларига, панд-насиҳатларига амал қилган ҳолда, келажаги буюк давлатни қуриш баркамол авлод олдида турган долзарб вазифадир. Шу нуқтаи назардан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши низоҳатда катта аҳамиятга эгадир. Чунки баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз ва юртбошимиз томонидан мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлоднинг тарбиясига улкан аҳамият берилмоқда.

Ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб улғайишида аёлларимизнинг, оналарнинг роли бенизоҳат каттадир. «Миллат келажаги — оналар қўлида» экан, аёллар учун ижтимоий фаолият билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Республикамызда мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент фармони билан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, «Соғлом авлод учун» жағфармасининг ташкил этилиши, ҳукуматимиз тарафидан бу авлод тарбияси хусусида қабул қилинган қарорлар, аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрнини оширишга қаратилган тадбирлар сўзимизга исботдир. 1999 йилнинг мамлакатимизда «Аёллар йили» деб эълон қилиниши ана шу улкан ишларнинг амалий-мантқиқий давомидир.

Аёлларга эътибор билан қараш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий иқтисодий ва маънавий манфаатларини давлат даражасида ҳимоя қилиш «Аёллар йили» муносабати билан ишлаб чиқилган дастурда ҳам ўз ифодасини топган. Мустақиллик ўзбек аёлига жамиятда ҳақиқатан ҳам катта ўрин эгаллаш имкониятини беради. Мустақиллик туфайли аёлларимизга юртга бекалик қилиш ҳуқуқи, оналик, яратувчилик бахти ҳақиқий қайтиб келди. 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2000 йилнинг эса «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши аёлларимизга, уларнинг ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилинишига, моддий-маънавий манфаатдорлигининг таъминланишига эътиборини кучайтирди. Яъни, Аёл умри,

соғлиғи, орзуси, яратувчанлиғини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аёлни эъзозлаш, унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш кўҳна шарққа хос бўлган одат, хусусиятдир. Буюк бобомиз Амир Темури: «Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим», — деб ёзган эдилар. Натижада халқимизнинг ўчмас тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, меҳнат ва бунёдкорлик салоҳияти, буюк фарзандлар тарбиясида ўз меҳрлари билан абадий ном қолдирган темурий маликаларни — Бибихоним, Гавҳаршод бегим, Хонзода бегим, Гулбадан бегим, Зебунисо бегим ва бошқалар етишиб чиқдики, уларнинг номлари тарихда қолди, уларни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз. Агар кўҳна тарихга назар ташласак, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам алоҳида ўринлари бўлганлигини гувоҳи бўламиз. Масалан, Темурий маликалардан бири — Амир Темурнинг суюкли ва оқила рафиқаси Сарой Мулкхоним (1341—1408), тарихий манбалардан маълум бўлишича, ақл-заковатли, дид-фаросатли, фикрлаш доираси кенг, юксак иродали, тадбиркор аёл бўлганлигини кўрамиз. Шу билан бирга, у адолатпарвар, ватан ва халқини севувчи, салтанатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини яхши билган ва яхши тушунган, ўзининг доно маслаҳатларини ҳамиша халқ учун, ватани учун аямаган оқила аёл бўлган. Илм-фанни кўп қадрлаб, толиби илмларга ҳомийлик қилган. Шу мақсадда мадраса ҳам қурдирган. У кўпинча Амир Темурнинг ҳарбий юришларида бирга қатнашган ва мураккаб шароитларда ўз маслаҳатларини дариг тутмаган. Сарой Мулкхоним ўзининг ақл-заковати билан нафақат ҳазрат соҳибқироннинг, балки, эл-юрт меҳрини қозонган. Шунинг учун бўлса керак, буюк соҳибқирон ўз ўғли Шохрух Мирзо ва набиралари Муҳаммад Султон, Халил Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқаларни Сарой Мулкхонимнинг тарбиясига топширган.

Аёлларга эътиборни йўқотмаслик инсоний хусусиятлардан биридир. Президентимиз буни алоҳида таъкидлаб, «минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», деган эдилар. Зеро, бугунги кунда ҳам, истиқлолий ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда инсон қадри, жумладан, аёлларимизнинг ҳурмат-эътибори ва эъзози Президентимиз давлатимиз эътиборида турибди.

Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий манфаатларини ҳимоя

қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган Давлат дастурида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, балоғатга етмаганлар, нафақахўр ва ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнат шароитлари, ўқув юртларида аёллар ва талабалар ҳуқуқий маданиятини ошириш, аёлларимизнинг жаҳон аёллари билан бўйлашуви, сиёсий фаолликлари — буларнинг барчаси аёлнинг жамият ҳаётидаги тўлақонлик ўрни хусусидаги ғамхўрликнинг исботидир.

Бутун давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида уйғонишлар даврини бошлаб берган мустақиллик аёлларимиз тақдирида ҳам туб ўзгаришлар ясади. Республикамизда тadbиркорлик, меҳнатда, бунёдкорликда шахсий ташаббускорликка кенг йўл очилди ва бу ҳаракатда минглаб ўзбек хотин-қизлари ҳам фаол иштирок этиб, ўзларининг куч-қobiliятларини ҳар жабҳада намойиш этмоқдалар. Юртбошимиз айтганларидек, «улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда». Бугунги кунда ўзбек аёллари иштирок этмаган бирон соҳа йўқ. Улар давлат, жамоат, фан ва маданият, саноат ва зироатчилик соҳаларида фаол иштирок этмоқдалар. Бўритош Шодиева, Дилбар Ғуломова каби давлат арбоблари, Ҳадича Сулаймонова, Раҳима Аминова, Фозила Сулаймонова, Хатима Шайхова, Сайёра Рашидова, Дилором Бобоҷонова, Дилором Алимова каби олималар, Ойдин Ҳоҷиева, Қутлибека Раҳимбекова каби бугунги кун Зебуниссолари, Муяссар Раззоқова, Юлдуз Усмонова сингари санъаткорлар ва бошқа юзлаб тadbиркор аёлларимиз мамлакатимиз раvнақига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Чунки, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган буюк ғамхўрлик, ишонч, меҳр-оқибат, эътибор олдида аёлларимиз бурчлидирлар.

Илос НИЁЗОВ

Халқаро Амир Темур хайрия
жамғармаси раиси ёрдамчиси

АМИР ТЕМУР БИБЛИОГРАФИЯСИНИ ТУЗИШ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШ ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Библиографик асар ҳар бир йўналишда олиб борилган илмий изланишлар ва тadbқиқотларни маълум тематик тартибга келтиришда муҳим ўрин тутади. Унинг асосий хусусиятларидан бири, тadbқиқотчиларга ориqчқа меҳнат ва вақт сарф қилмай, ўзлари учун керак бўлган асар, рисола, мақолаларни тез ва осон излаб топишда, илмий тadbқиқотларнинг самарали бўлишида хизмат қилади.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи, маданияти ва ҳарбий салоҳияти, иқтисоди, дипломатик алоқалари дунё олимлари томонидан кенг қўламда ўрганиб борилмоқда.

Амир Темур тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахс: улкан бунёдкор, йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийсидир. Шунинг учун бугунги кунда Амир Темур шахсига, унинг ҳарбий санъатига, давлатчилигига оид жуда кўп тадқиқотлар яратилган. Мисол келтирамиз. Амир Темур ҳақидаги олим Перондини қаламига мансуб биринчи китоб 1553 йили Флоренция (Италия)да чиққан. Испан тарихчиси Перо Мексиканинг «Буюк Темур тарихи» деган асари ҳам шу асрда чоп этилган. 1582 йили Севилия (Испания)да машҳур элчи Клавихонинг «Эсдаликлар»и нашрдан чиқди. Инглиз драматурги Христофор Морлонинг «Буюк Темур» деган сахна асари ҳам шу асрда яратилди. Шундан бери буюк соҳибқиронга аталган асарларнинг кети узилмайди. Нафақат Европа мамлакатларида, балки бутун дунёда чоп этилмоқда. Улар лотин, италян, испан, француз, немис ва инглиз тилларида ёзилган.

Амир Темур ва Темурийлар библиографиясини тузиш ишларини 1999 йили Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида бошладик. Библиографияни тузишда 1974 йилда Техронда нашр этилган «Темурийлар даври санъати» (муаллиф Абдулҳай Ҳабибий), 1995 йилда Тошкентда нашр этилган «Соҳибқирон Амир Темур» (Методик тавсиянома, муаллифи Р. Алимов), Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси ҳомийлигида профессор Ш. Бобохонов ва профессор Насрулло Мубошир ат-Тарозийлар томонидан 1996 йили Қоҳира шаҳрида нашр қилинган «Амир Темур ва Темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўлланмалар Фихристи», 1998 йили Тошкентда академик Э. В. Ртвеладзе ва профессор А. Х. Саидовлар томонидан чоп этилган «Амир Темур в зеркале мировой науки», 1997 йили Эронда чоп этилган «Китобнома-йи асри Темурийон» (Темурийлар даври китоблари) каби рисолалар муҳим ўрин эгаллади.

Библиография XV—XIX асрлар мобайнида яратилган манба, адабиёт, илмий тадқиқотларни ўз ичига олади. Бунда қуйидаги тартибдаги тизим асосида тузишни режалаштирдик:

1. Қўлёзмалар, ёзишмалар;
2. Ўзбек, рус, МДХ давлатлари халқлари тилидаги китоблар;
3. Европа тилларидаги китоблар;
4. Шарқ тилларидаги китоблар;
5. Бадиий адабиётлар.

Темур библиографияси бўйича материаллар тўплаш ишлари давом эттирилмоқда ҳамда 1999 йилнинг декабр ойигача 8950 та манба аниқланди. Шулардан қуйидагилари бизнинг қўлимизда:

1. Ўзбекистон Республикаси Миср Араб Республикасининг элчихонаси ҳомийлигида профессор Ш. Бобохонов ва профессор Насрулло Мубошир ат-Тарозийлар томонидан 1996 йили Қоҳира шаҳрида нашр қилинган «Амир Темур ва Темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўлланмалар Фихристи» 970 та;

2. «Мир экономики и права» нашриётида 1998 йили Тошкентда академик Э. В. Ртвеладзе ва проф. А. Х. Саидовлар томонидан чоп этилган «Амир Темур в зеркале мировой науки» рисоласида 690 та;

3. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан тақдим қилинган Эронда 1997 йили чоп этилган «Китобнома-йи асри Темурийон» (Темурийлар даври китоблари) рисоласида 1990 та;

4. А. Навоий номидаги ЎзР давлат кутубхонасида нашр қилинган «Соҳибқирон Амир Темур» (методик тавсияномаси)да 432 та;

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан олинган Германия кутубхоналаридаги Амир Темурга оид китоблар рўйхатида 305 та;

6. ЎзР ФА Асосий кутубхонасидаги Амир Темурга оид китоблар рўйхатида 72 та;

7. ЎзР ФА Шарқшунослик институтидан олинган рўйхатда 26 та;

8. ТошДШИ кутубхонасидан олинган рўйхатда 5 та;

9. Интернет тизими орқали 1885 та;

10. Шахсий кутубхоналардаги китоблардан 2489 та;

Ҳозирда ушбу рўйхатларни карточкаларга олиш ишлари бошлаб юборилди.

Библиография тузишда, аввало Ўзбекистондаги кутубхоналардан китоблар рўйхати йиғилди. Иккинчи босқични Фарбий Европа кутубхоналаридаги китоблар рўйхатини йиғиш ташкил этди. Бунда биз асосий эътиборни ИНТЕРНЕТ тизими орқали ахборот йиғишга қаратдик. Кейинги босқичда биз йирик олимлар тузган библиографияларни йиғишни бошладик.

Ҳозирги таҳлиллар шуни кўрсатадики Амир Темур ва Темурийларга оид ёзма манбаларнинг деярли ҳаммаси Европа олимлари томонидан ўрганиб, Фарбий европа тилларига таржима қилинган. Тўғри ушбу таржималарнинг кўп қисми маълум кўринишдаги камчиликларга эга. Лекин биз шуни аниқ таъкидлай оламизки, Темур ва Темурийлар тарихининг ҳар бир соҳасига қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. Мазкур давр тарихининг алоҳида соҳаларига

бўлган тадқиқотлар ва қизиқишларга тўхталсак, Европа олимлари орасида асосан Темур ва Темурийларнинг ҳарбий санъати ва салоҳиятига бўлган қизиқиш яққол кўзга ташланади. Шу даврнинг санъати, маданияти, меъморчилиги масалалари эса кўпроқ Шарқ олимларининг диққат эътиборида бўлган. Марказий Осиё олимларининг асосий эътибори Амир Темур ва Темурийлар давридаги давлат тузилиши, халқаро дипломатик, иқтисодий алоқаларига қаратилганлиги намоён бўлди.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, биз бошлаб қўйган иш ҳозирги кунда нафақат бизнинг олимлар, ўқувчиларга, балки жаҳон олимлари, ўқувчилари, қизиқувчилари учун ҳам методик, ҳам ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш учун зарур бўлади. Режамизга кўра библиографияни 2001 йил охирига якунламоқчимиз. Ушбу библиография орқали хорижий тадқиқотчиларнинг муҳим асарларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш имконига эга бўламиз. Яна шуни таъкидлаш лозимки, библиография биз учун келажакда Амир Темур ва Темурийлар кутубхонасини тузишда муҳим асос бўлади.

МУНДАРИЖА

Икки оғиз сўз	3
<i>Б. Аҳмедов.</i> Амир Темур давлати	4
<i>А. Зиё.</i> XVI аср ўзбек давлатчилиги бошқарувига доир	10
<i>А. Ш. Жузжоний.</i> Амир Темур давлатида қонун устуворлиги	15
<i>Н. Ғойибов.</i> Амир Темур давлати сиёсатининг асоси	20
<i>А. Олимов.</i> Амир Темур салтанатида қўшин тузилиши	30
<i>С. Ғуломов.</i> Темур давлатининг дипломатик ва савдо алоқаларига доир	33
<i>Т. Ғайзиев.</i> Темурийлар даврида аёлларнинг мавқеи ва ўрни	39
<i>О. Бўриев.</i> Амир Темур тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг роли	41
<i>М. Аҳмедов.</i> Хондамирнинг Ҳиндистон тарихига оид қимматли асари	42
<i>А. Абдуазизов.</i> Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши	51
<i>С. Юсупова.</i> Амир Темурни ўрганишнинг ёшларни миллий ғурур, миллий ифтихор ва истиқлол гоялари руҳида тарбиялашдаги аҳамияти	54
<i>Н. Жўраева.</i> Мустақил давлатимизни мустаҳкамлашда аёлларнинг ўрни	57
<i>И. Ниёзов.</i> Амир Темур библиографиясини тузиш устида олиб борилаётган иш ҳақида икки оғиз сўз	60